

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 9(575.1)

ТЎРАБОЕВА НАРГИЗА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИНИ ИЛМИЙ
АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

Ихтисослик: 5A141602 – Бошланғич таълим

Магистрлик даражасини олиш учун тақдим этилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Наманган – 2010

Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятини илмий асосда ташкил этишнинг педагогик асослари.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва унинг аҳамияти. Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот объекти. Тадқиқот усуллари. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва эришилган натижалар. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясининг тузилиши ҳақидаги умумий маълумотлар.

1. БОБ. Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатининг самарадорлигини ошириш.

1.1. Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатини ўзига хос хусусиятлари

1.2. Бошланғич синф ўқитувчиси малакаларига қўйиладиган талаблар.

2. БОБ. Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятини илмий асосда ташкил этиш қоидалари ва усуллари.

2.1. Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш

2.2. Бошланғич синф ўқитувчисининг педагогик меҳнатини меъёрлаштириш.

3. БОБ. Педагогик меҳнат даражасини аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш.

3.1. Педагогик ижодкорликни ривожлантириш.

3.2. Ўқитувчи меҳнат даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

3.3. Тажриба-синов ишлари.

ХУЛОСА.

ТАВСИЯ ВА ТАКЛИФЛАР

Фойдаланилган адабиётлар.

КИРИШ

Бугунги педагогика ва унга давр муносабати масаласини ўрганиш алоҳида илмий муаммога айланиб бормоқда. Шахс ўзининг ижтимоий фаоллиги ва ўз соҳасининг маҳоратли мутахассиси сифатида миллат ижтимоий тафаккурининг ривожига ўз таъсирини кўрсата олмоғи лозим. Ижтимоий фаоллик, ижодкорлик талаба ёшларни ижтимоий билимдонлик, ижтимоий онг асосида ижтимоий ҳаётга тайёргарлик даражасини таъминловчи мезон вазифасини ўтайди.

Тадқиқотчи муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини белгилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ҳамда ижодкорлигини ошириш ўқитувчи шахсининг касбий педагогик маҳорати билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: “... барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат”¹

Шу ўринда эътироф этиш керакки, туб ислохотлар даврида жамият ҳаётига дахлдорлик, миллат ва мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаслик хисси шаклланган ёшларга бўлган эҳтиёжни ҳаётнинг ўзи тоқозо этиб, келажагимиз бўлган ёшларни ижтимоий фаоллик руҳида тарбиялаш заруриятини кун тартибига олиб чиқди.

Дарҳақиқат, ижтимоий фаол, ижодкор ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асосий замини олий таълимгача бўлган даврда, яъни ўқувчи ёшларни онгли ва асосли равишда касб танлашга йўналтириш жараёни билан боғлиқ бўлиб, олий таълим муассасасида касб тарбияси амалга оширилади. Бу жараёнда янгича фикрлаш ва янгича дунёқараш таркиб топади. Ўз навбатида, янгича дунёқараш дунёвий ва тараққийпарвар мазмунга эга бўлади. Дунёвийлик тафаккури илмийлик принципига таяниши асосида ўз эътирофини топади. Шунга мувофиқ, инсонпарварликка суяниш

¹ И. А. Каримов.

асосидаги ижтимоий фаоллик “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб берилган шахс ғояси ҳисобланади.

Ижтимоий фаоллик, ижодкорлик ижтимоий соғломлашувга олиб келади. Миллатимиз ўтмишининг муайян давридаги ижтимоий шарт-шароитлар оқаваси ҳисобланган “ахлоқий” манзараларни сақланиб, ҳатто таҳдид солиб келаётганлиги, яъни лоқайдлик, беғамлик, бепарқлик, эътиборсизлик, ёлғончилик, ғийбат, ҳасад, ўғирлик, ичкилик, фоҳишабозлик кабилар ва шу билан бир қаторда гиёҳвандлик, ижтимоий хавфли касалликларга чалиниш эҳтимоли (таносил, ОИТС, сил ва бошқа юқумли касалликлар), диний экстеремизм ҳамда терроризм глобал муаммо бўлиб, аср вабосига айланиб бораётган бир шароитда, ижтимоий фаол, ижодкор шахс тарбияси алоҳида долзарб педагогик муаммо саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги Қарори “... ёшлар масалаларини, авваломбор уларнинг долзарб муаммолари ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуққонлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига суяниш ва таяниш вазифаси мазкур давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши деб ҳисоблансин”² дейилган.

Қарорда белгиланганидек, узлуксиз таълим муассасаларида, жумладан, олий таълим тизимида мутахассислик йўналишлари ҳамда фаолият мазмунини таҳлил этиш, айниқса бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини, ижодкорлигини ўрганиш орқали уларнинг касбий фаоллик, ижодкорлик масъулиятини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўқитувчи ҳамиша ижтимоий муносабатлар мувозанатини кўра билишга, уни ривожланиш сари ундай олишга қодир бўлмоғи лозим.

² Каримов. И. А. “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги” Қарори.

Ижтимоий фаоллик, ижодкорлик ҳар доим янгича педагогик идрокни талаб этади. Шунга мувофиқ, ўқитувчининг ижтимоий фаоллиги жамиятни ижтимоий соғломлаштиришга хизмат қилади. Жамият талаби ва буюртмаси асосида бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллигини шакллантириш айнан педагогик йўналишида тадқиқи этилмаганлиги тадқиқот муаммосининг долзарблигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Шахс тарбияси ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгилаш масаласи кишилиқ жамияти тараққиётининг барча босқичларида мутафаккирлар ҳамда файласуф, педагог ва психолог олимларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Қомусий олимлар-Абу Наср Фаробий, Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Югнакий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг комил инсон тарбияси ва унинг моҳияти ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Шахс шаклланишининг психологик омиллари, шахс қобилияти ва унинг ривожланиши каби масалалар психолог олимлар В. Каплони, В. М. Каримова, Н. И. Козлов, А. Н. Леонтьев, А. Либин, Э. Ғ. Ғозиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Мазкур тадқиқотларда шахснинг ҳар томонлама шаклланишида таълим жараёни билан бирга ижтимоий муҳит ва биологик омилларнинг ҳам муҳим эканлиги қайд этилиб, шахс ривожланишининг ички эҳтиёжлари, психологик хусусиятларини инобатга олиш ҳамда ижтимоий эҳтиёжларнинг қаноатлантирилиши шахс маънавиятини, ижодкорлигини шакллантиришининг асосий шарти сифатида эътироф этилади.

Бу борада педагог олимлар томонидан ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Х. Абдукаримов, Х. Ибрагимов, Ж. Йўлдошев, О. Мусурмонова, С. Нишонова, М. Очилов, Н. Саидахмедов, В. А. Слостенин, Ў. Толипов, М. Қурононов, Қ. Қурбонбоев, З. Ходжагелдиева ва бошқаларнинг ишларида бўлажак мутахассисларининг маънавий-ахлоқий ҳамда касбий

шаклланиши муаммоси тадқиқ этилган. Мамлакатнинг мустақиллиги шароитида талаба-ёшларни янги ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, таълим-тарбия жараёнида тафаккурнинг эркин ривожига эришиш, бу борада педагогик инновация фаолиятини ривожлантириш асосида ижтимоий фаол, ижодкор ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масаласи тадқиқ этиш долзарб муаммо эканлиги педагог олимлар Х. Ибрагимов ва Ў Толиповнинг тадқиқот ишларида алоҳида кўрсатиб ўтилган

Ўқитувчи шахсига хос бўлган касбий қобилиятлар тузилмаси В. А. Сластенин томонидан ишлаб чиқилган.

Тарбия жараёнининг миллий- ижтимоий характери, ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик тамойиллари М. Қуронов ва З. Курбаниязовалар томонидан асослаб берилган.

Мустақиллик йилларида бизнинг тадқиқот ишимизга яқин ягона иш Қ. Қуронбоев томонидан бажарилган бўлиб, унда асосий эътибор талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини, ижодкорликларини ривожлантириш йўллари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган. Республикамизда Ёшлар ташкилотларининг ўрни ҳамда уларнинг талабалар маънавий- ижтимоий фаолликларини оширишдаги имкониятлари очиб берилган. Талаба-ёшлар фаолияти кенг қамровли бўлиб, муаллиф ўз ишида асосан “Камолот” ёшлар ташкилоти фаолиятини ўрганишга эътибор қаратилган.

Бизнинг ишимизда ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсини шакллантириш бош муаммо қилиб қўйилган. Чунки ўқитувчининг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлиги маънавий-ахлоқий мазмун касб этиб, жамият ривожига алоҳида мавқега эга ҳисобланади.

Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи мустақил фикрлайдиган, изланувчан, ижодкор, касбий билим ҳамда малакага эга бўлган мутахассис бўлиб, жамоада ўз қобилияти, инсонпарварлик фазилатлари, обрў-эътибори ва юксак маданияти билан алоҳида ажралиб туради.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” томонидан қўйилган вазифаларга мувофиқ ҳамда бугунги туб ислоҳатлар амалга ошаётган тезкор ва

глобаллашув даврида мустақил ва эркин фикрлайдиган, ижодкор, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш давлат аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифадир. Афсуски илмий-педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида мазкур муаммога доир илмий ва амалий жиҳатдан асосланган илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу эса ушбу масалаларда муайян самарадорликка эришиш йўлида жиддий тўсиқ бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Шунга кўра юқорида қайд этилган ҳолатлар мазкур илмий тадқиқот иши мавзусининг “Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятини илмий асосда ташкил этишнинг педагогик асослари” деб танланишига асос бўлди.

Тадқиқот мақсади.

Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсини шакллантиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда унинг яхлит тизимини яратиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг мазмун моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш.
2. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг мавжуд ҳолатини ўрганиш.
3. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шаклланишига таъсир этувчи педагогик-психологик омиллар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.
4. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг динамикасини белгилаш, уларнинг самарадорлиги тажриба-синов ишлари натижасида аниқлаш ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг методологик асослари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида баён қилинган ижтимоий фаол, ижодкор ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга доир назарий ғоялар, Шарк мутафаккирларининг баркамол инсон тарбиясига оид қарашлари, ижтимоий

фаол, ижодкор шахсни маънавий-касбий шакллантиришга қаратилган фалсафий, психологик, педагогик таълимотлар ҳамда мавзуга оид илмий-педагогик манбалар, шунингдек, таълим ислохотларига доир Республика ҳукумати томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ташкил этади.

Тадқиқот объекти

Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланиш жараёни.

Тадқиқот предмети

Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг илмий фарази

Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчининг шаклланиши шахсий фаолият ёндашувига асосланган:

- Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланиши жамият ҳаётида юз бераётган воқелик ҳамда туб ислохотлар билан уйғун ҳолда боғланган бўлса;
- Талаба педагогик жараённинг субъекти сифатида касб фаолиятига тизимли ёндашса;
- Инновацион дастур асосида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчининг модели яратилса;
- Олинган тажриба-синов ишлари натижаларига кўра тегишли тавсиялар ишлаб чиқилса, иш самарали натижа беради.

Тадқиқот методлари

Мавзуга оид ижтимоий-фалсафий, психологик, педагогик, методик адабиётлар таҳлили, суҳбат, кузатиш, прогностик (башорат қилиш), интерфаол, аҳамиятига қараб саралаш (ранжированиа), педагогик тажриба.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар;

1. Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланиши долзарб муаммо эканлиги.
2. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг илмий-педагогик моҳияти.

3. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг педагогик ва психологик омиллари ҳамда ижтимоий-педагогик хусусиятлари.

4. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг мазмуни, шакл ва методлари.

5. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси тарбияси самарадорлигин таъмин этувчи илмий-амалий тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги

Амалга оширилаётган туб ислохотлар моҳиятига кўра узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланиши долзарб педагогик муаммо сифатида назарий жиҳатдан асосланиб, унинг мавжуд ҳолати ва шахсининг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлигига таъсир этувчи омиллар ҳамда педагогик ва ижтимоий қонуниятлар уйғунлиги аниқланди; илк бор “Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи” тушунчаси ҳамда ижтимоий фаол ҳаёт тарзининг шаклланиш тизими илмий истеъмолга киритилиб, унинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқилди ва яхлит тизим ҳолига келтирилди; талаба ёшларнинг ижтимоий-педагогик фаолият мотивлари ва уларни ривожлантириш омиллари белгалаб берилди ҳамда ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг модели яратилди; тажриба-синов ишлари натижаларига мувофиқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқотни олиб бориш даврида мавжуд адабиётлар ва илмий изланишларга таянган ҳолда “ижтимоий фаоллик” ва “ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи” тушунчаларининг моҳияти очиқ берилди. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи кадрлар тарбиясининг илмий-педагогик хусусиятлари ўрганилди ҳамда унинг педагогик моҳияти асосланди. Шунингдек, бўлажак ижодкор ўқитувчи шахсини ижтимоий-касбий йўналтириш мотивлари, уларни ривожлантириш жиҳатлари белгилаб берилди.

Тадқиқотнинг назарий ғоялари ва амалий натижаларидан “Педагогика”, “Ижтимоий педагогика”, “Ижтимоий психология” дастурлари

ва курсларини такомиллаштиришда, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий ва касбий фаолликка йўналтирилган тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши

Тажриба-синов ишлари Наманган педагогика коллежи ҳамда Наманган шаҳридаги 2-, 4-, 6-, 8-, 12-умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилиб, ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсини шакллантиришга оид методика синовдан ўтказилди. Тадқиқотнинг назарий ғоялари ва илмий хулосаларидан қайд этилган ўқув муассасаларида тарбиявий иш режалари ва маънавий-ахлоқий тадбирларни ташкил этиш жараёнида фойдаланиб келинмоқда.

1. БОБ. Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатининг самарадорлигин ошириш

Ишнинг биринчи бобида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсини шакллантириш педагогик муаммо эканлиги, ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси тарбиясининг мазмун-моҳияти, олий ўқув юртида талаба-ёшларнинг ижтимоийлашув хусусиятларининг мавжуд аҳволи ва ўқитувчи фаолиятида ижтимоий фаолликнинг ўзига хослиги таҳлил этилган.

Ўқитувчилик-ижодкорлик ва фаол изланувчанликка асосланган касб. Педагогикада “касбий ўз-ўзини тарбиялаш”, “ўз-ўзини бошқариш” ва “ўз-ўзини таҳлил этиш” мазмун-моҳияти жиҳатидан ижтимоий фаолликка, ижодкорликка йўналтирувчи омиллар вазифасини ўтайди.

Ижтимоий фаоллик, ижодкорлик мураккаб жараён бўлиб, инсонда бирданига вужудга келмайди. Олиб борилган изланишларимизнинг кўрсатишича, ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллигининг шаклланиши унинг ушбу касбни танлаган даврига тўғри келади. Ўқитувчи болалигидан ёки шу касбни танлаган даврдан эътиборан касбнинг масъулияти, моҳияти, айниқса, халқ ва Ватан равнақи йўлидаги ўрнини қанчалик эрта англаб етса, унда ижтимоий фаоллик куртаклари шунчалик тез шаклланиши аён бўлди. Бу ҳолатни айнан бошқа касблар мисолида ҳам айтиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, касбий фаолиятида интилувчанлик ва узлуксиз ижодкорлик позициясида тура оладиган ўқитувчига ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи дейилади. Позиция деганда шахсининг (айни пайтда мутахассиснинг) фаол ўрни, фаолият майдонига эга бўла олиши тушунилади. Шу билан бирга, ижодкорлик серқирра маъно касб этиб, ўқитувчининг жамият ривожига бўлган муносабати ҳам назарда тутилади.

Аксарият ҳолда бола оиласида ота-онасига, ўзидан катталарга, боғчада мактабгача таълим тарбиячисига, мактабда биринчи ўқитувчисига албатта тақлид қила бошлайди. Муаммо юзасидан олиб борилган изланишларимиз биринчи синф ўқувчиларининг 84-86 фоизи ўқитувчи бўлиш истагида эканлигини кўрсатди. Бу кўрсаткич юқори синфларга келганда 8-10 фоизга тушиб қолиши аниқланди. Бу ҳолат боладаги ижтимоий фаоллик сўнди

дегани эмас, аксинча юқорида таъкидланганидек, ўқувчи касблар оламига фаол кириб келганлиги, уларнинг моҳиятини англаш, онгли равишда ёки бирор мотив асосида танлай бошлаганлиги натижасидир. Бу ўринда “мотив” ўқувчининг шахсий истаги, қизиқиши ва келажакдаги орзу-ниятларини, касб танлаш йўлидаги мақсадини белгиловчи омил вазифасини ўташи мумкин.

Ижтимоий фаоллик, ижодкорлик баркамол шахс тарбиясининг таркибий қисми ҳисобланади. Мактаб эса, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳаётга йўналтирувчи сахна вазифасини ўтайди. Чунки ҳар бир эзгулик, яхшилик, диёнат ва меҳрибонликнинг бошланиш нуқтаси мактаб бўлади. “Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатидаги оғзаки ва ёзма нутқ маданияти ижтимоий фаоллик, ижодкорлик омили вазифасини ўтайди.

Таълим жараёнига интерфаол методларнинг татбиқи асосида ўқувчи ва талабаларнинг дарс жараёнидаги фаоллигига, ижодкорлигига эришиш ижтимоий фаолликка йўналтирувчи омил вазифасини ўташи мумкинлиги тадқиқий кузатувлар ва тажриба-синов ишларимиз жараёнида ўз эътирофини топди.

Маълумки, замонавий педагогик технологияларнинг таълим-тарбия жараёнига тадбиқи масаласида турлича ёндашувлар мавжуд. Бу ҳолни айрим педагог олимлар ҳали замонавий педагогик технологияларнинг методологияси аниқ эмаслигида деб кўрсатишга уринадилар. Биз ўз тадқиқий изланишларимизда бу фикрга қўшилмаймиз. Чунки, замонавий педагогик технологияларнинг методологик асослари мамлакатимизда тўлиқ ишлаб чиқилган ва назарий жиҳатдан асосланган. Ёндашувлар масаласига келсак, “техника”, “технология”, “метод”, “методика”, “таълим технологияси”, “педагогик технология” каби тушунчаларнинг таърифларида озроқ фарқлар кўзга ташланса-да, аммо мақсад ва вазифанинг қўйилишида уйғунлик ва муштараклик мавжуд. Шундай бўлса-да, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу борадаги ижодий ёндашувларимиз алоҳида ижтимоий фаолликни талаб этади.

Таъкидловчи эксперимент жараёнида Уйчи туманидан 1-, 3-, 22-, 24-, 55-, Наманган шаҳридан 2-, 4-, 6-, 8-, 12-умумий ўрта таълим

мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда педагогика коллежи ўқувчиларининг касб танлови мотивлари ўрганилганда қуйидаги жавоблар олинди (1-жадвал).

Ўқувчиларнинг касб танлаш мотивлари.

(жами 360 нафар ўқувчи)

1-жадвал.

№	Мотивлар	Жавоблар сони
1	Ота-онасининг маслаҳатига кўра	216
2	Иқтисодий яхши яшаш имкониятларининг борлигига кўра	71
3	Ижтимоий ва касбий бурчни англаган ҳолда	32
4	Яқин дўстларининг маслаҳатига мувофиқ	16
5	Олий ўқув юрти манзилининг яқинлигига кўра	13
6	Шунчаки олий маълумот олиш учун	12

Биз ўқувчиларнинг 20 га яқин касб танлови мотивларини мазмунан ихчамлаб, 6 тага келтирдик. Мана шу ҳолатда ижтимоий ва касбий бурчни англаган ҳолда касб танлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижтимоий мотив ҳисобланади. Чунки бу ерда ўқувчи касбнинг жамият ривожига ўрнини англаб етиши баробарида, ўзининг ижтимоий-касбий бурчини ҳам ҳис этади. Касбининг ўзига хослиги қийин, масъулиятли ва айни пайтда шарафли томонларини ҳам билади. Маънавий ва руҳий жиҳатдан моҳиятини англаган ҳолда касб танлаши шахснинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олишида алоҳида аҳамият касб этишини ўқувчиларнинг тушуниб етганлиги олиб борилган суҳбат ва савол-жавобларимиз мобайнида аниқ бўлди. Қолган 5 та мотив ҳам қайсидир маънода ижтимоий аҳамият касб этади. Шунинг учун уларнинг ўрнини мутлақо инкор қилиш мумкин эмас.

Таъкидловчи экспериментнинг дастлабки натижалари бўйича умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг 60-63 фоизининг касб танловида ота-оналар маслаҳати ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлди.

Кузатиш, суҳбат, савол-жавоб ва сўровнома методлари асосида ижтимоий фаол, ижодкорлик ўқитувчи шахси шаклланишининг амалдаги ҳолатини ўрганиш жараёнида яна шу нарса аниқландики, бугунги кунда аксарият ота-оналар ўз фарзандларини бозор иқтисодиёти муносабатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт каби касбларга кўпроқ даъват этаётганликлари маълум бўлди. Ўқитувчилик касби эса, юқоридаги касблардан анча кейин туриши маълум бўлди.

Таъкидловчи эксперимент жараёнида биринчи курсга қабул бўлган талабалар билан олиб борган фаол кузатувларимиз улардаги кўтаринки кайфият эзгу ниятларининг амалга ошганлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Айниқса, ижтимоий муҳитни ўрганиш, унга тезроқ мослашиш эҳтиёжининг пайдо бўлиши ҳар бир талаба-бўлажак мутахассис учун табиий ҳолдир.

Таъкидловчи эксперимент натижалари ўқувчининг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлиги шу соҳага кириб келаётган ва эндигина шаклланаётган бўлажак ўқитувчини касбий тарбиялай олиш маҳорати билан ўлчанишини кўрсатди. Бу жараённинг педагогик талаблар даражасида амалга ошуви айти пайтда ўқитувчининг ижтимоий масъулиятини, ижодкорлигини ҳам белгилайди. Шунинг учун ижтимоий мотивлар билан бир қаторда, талабанинг ижтимоий адаптация жараёнини илмий асосда ташкил этишни талаб қилади. Бунинг заминида бўлажак ўқитувчининг маънавий-ахлоқий мотивларини атрофлича ўрганмасдан туриб, унга педагогик таъсир кўрсатиш чора ва тадбирларни қўллаш мумкин эмаслиги аниқ бўлди.

1.1. Бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш кадрлар тайёрлашнинг миллий масаласи устивор мезон сифатида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов – инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ - атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир - деб жуда тўғри айтган эди. Чунки халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукамал тайёргарликдан ўтган кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди.

Мана шу маънода бугунги мустақиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим – тарбияни онгли равишда идрок эта оладиган, давлат, жамият ва оила олдида жавобгарлик ҳиссини юрагига туя оладиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутиш билан бирга, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш мақсадида 1997 йилда Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» қабул қилинди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ишлаб чиқишнинг асосий омилларидан бири, республикамизнинг демократик ва ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамият қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги; миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватанига ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурматнинг ортиб бораётганлигидир. Яна шу нарсани алоҳида қайд этиш жоизки, эндиликда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў - эътиборининг тобора ортаётганлиги ҳам мазкур ислохотларни тезликда амалга ошириш лозимлиги педагогик зарурият бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач мамлакатимиз халқи олдида иқтисодий ва маънавий мустақилликка ҳам эришиш вазифаси кун тартибига қўйилди. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида, умумий таълим мактаблари ва ўқитувчиларининг мақсади - ҳар бир болада мавжуд бўлган қобилият ва лаёқатларни эркин ривожлантириш, илм асосларини, умуминсоний ва миллий – маънавий, маданий, кадриятларни ўрганиш, юксак ахлоқий фазилатларни, фуқаролик бурчини, миллий ғурур туйғусини ўстириш, ёшларни меҳнат фаолиятига, мустақил ҳаёт кечиришга йўналтиришдан иборат.

Ҳозирги давр тараққиётдан келиб чиқсак Ўзбекистонда таълим-тарбия тобора ривожланмоқда, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси давлатимиз кўрсатмаларига мувофиқ равишда ортиб бормоқда.

Педагогик алоҳида касб бўлиб, у ҳар бир мутахассисдан юксак даражада ғоявий-сиёсий етукликни интеллектуал баркамолликни ва энциклопедик маълумотлиликни, инсоний ақл ва эзгулик уруғини тарқатувчи деҳқон ва боғбон сифатида олижаноб шахс бўлишини тақозо этади. ҳозирги замон педагогикаси фани ҳар бир ўқитувчидан касбий жиҳатдан етук бўлишни ва педагогик маҳорат ва қобилиятни, маҳоратни тўлиқ эгаллаган бўлишликни талаб этмоқда. Педагогик маҳоратга ва қобилиятга, техникага эга бўлмасдан туриб ҳақиқий ўқитувчи бўлиш мумкин эмас деган тушунча келиб чиқади. ўзида педагогик маҳоратни ва

қобилиятни умумлаштирган инсон болаларни сева олади, улар учун жонини фидо қила олади, уларга ҳақиқий устоз бўла олади.

Таълим – тарбияда ўқитувчи – мураббийларнинг педагогик маҳоратини мукаммал эгаллаши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу боис жаҳоннинг барча олий ўқув юртларида бу масалага алоҳида ёндашув амалга оширилмоқда.

Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина этарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун - қоидалар, умумлаштирилган методик ғоялар баён этилади.

Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон давлатининг умумий таълим мактабида ишлайдиган ўқитувчи:

- педагогик фаолиятига қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол:

- Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро;

- ихтисосга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек, назарий илмларни мукаммал эгаллаган;

- ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, ҳар бир ўқувчиси улғайиб яхши одам бўлишига чин кўнгилдан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига кўмаклашадиган;

- эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

Педагогик, ўқитувчилик фаолиятини, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота - оналар ва болаларнинг иззат - ҳурматига сазовор бўлиш учун ҳам кишида бу ишга лаёқат, қобилият, қизиқиш бўлмоғи лозим. Бошқа касблар каби ўқитувчилик касбига ҳам ёшлар орасида

педагогик фаолиятга лаёқатли, болалар билан тил топиб муомала қила оладиган, илмли кишиларни танлаб олиш керак.

Педагогик касбини танлаган киши аввало соғлом бўлиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши, асаблари жойида, вазмин бўлиши даркор. Шунингдек, болаларни ёқтириши, улар билан ишлашга майли, бошқалар билан мулоқат қила олиши, хушмуомалалигига, кузатувчанлиги, кенг фикрлай олиши, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги ҳам кишининг педагогик ишга яроқлигини кўрсатади. Бу сифатлар кишида бор-йўқлигини тиббиёт ходимлари, руҳшунос, педагоглар оғзаки ва ёзма савол - жавоблар ёрдамида аниқлай олади.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим - тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

"Янги тамойиллар асосида ривожланаётган таълим тизими ёш авлодни баркамол маънавий етук инсон сифатида шакллантиришга қаратилгандир" – дейлади Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида.

Умумий таълим, жумладан, бошланғич таълим тизимида ўқувчиларни ўрта таълим босқичига тайёрлаш билан бирга уларда ўқиш, меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатиш, мустақил фаолиятни эгаллаш каби сифатларни тараққий эттириш кабилар ҳам амалга оширилмоқда.

Таълим тизими, шахсни шакллантириш учун, давлат стандарти талаблари асосида ҳамда таълим даражасида кадрлар етиштириш учун аввало ўқитувчилар, мураббийлар шахсини ҳар томонлама мукамал бўлишини талаб қилади. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчисининг маъсулияти катта, у умумий таълим тизимининг асосини, пойдеворини яратувчи шахсдир.

Барча яхши ишлар, болани эзгуликка етаклаш, ўқитувчининг педагогик маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буюк аллома инсон руҳиятининг муҳандиси Абу Али Ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" асарида шундай фикр баён қилади:

"Ўқитувчининг барча хатти - ҳаракатлари эзгуликдан иборат бўлмоғи лозим".

Эзгулик аввало бола қалбига йўл топишдан бошланади. У билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиш, беғубор қалб эгасини ҳурмат қилиш, хоҳиш - истакларига бефарқ бўлмаслик, бир сўз билан айтганда болажон бўлиш зарур.

Янгиланаётган бошланғич таълимда давлат ва жамият томонидан кўйиладиган талаблар таълим соҳалари бўйича ўзаро мувофиқлик ва мутаносиблик тўла таъминланиши лозим.

Бола тафаккурини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқарашини шакллантиришда янги замонавий билимларни кенг кўламли олиб борилиши керак.

Чунки боланинг билиш, янгиликларни қабул қилиш доираси кенг, ундан тўғри самарали фойдаланиш эса ўқитувчиларнинг, тарбиячиларнинг вазифасидир.

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида таълим - тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма – хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини ошириш учун ўз-устидан ишлаши, тинмай изланиш, замонавий педагогик технологиялар асосида иш олиб борилиши лозим.

Янги методик маҳорат, бу янги педагогик технология деганидир.

Педагогик технология педагогик маҳорат тўғрисидаги фан. Шунга кўра педагогик технологияда ўқитувчининг методик маҳорати муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга:

Биринчидан, ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилган;

Иккинчидан, ўқитишнинг ахборот воситаларидан ва дидактик материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

1. Маҳоратли ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим - тарбия мақсадини аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада маълум вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган дидактик жараёни тузиш ва жорий этиш тўғрисида ҳулоса қилиши мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи педагогик тизимда белгиланган мақсадга тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини ўқув дастури бўйича чуқур эгаллаши, мунтазам равишда ўз педагогик маҳоратни илмий–техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда мустақил равишда кенгайтириб бориш лозим.

“Ўқитувчи ўз билим малакасини ошириш усулларини пухта эгалламоғи, мустақил ишлашини ўрганмоғи лозим” – деган эди А. Жомий.

Ўз билимларини мустақил ошириш учун қуйидаги бўлимлардан иборат индивидуал режа тузиб олишлари тавсия этилади.

1. Ғоявий - сиёсий савияни ошириш.
2. Илмий - назарий билимни ошириш.
3. Методик билим ва маҳоратни ошириш.
4. Педагогик ва психологик назарияни янада пухта ўрганиш.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини доимий ошириб бориш ва уни ривожлантиришда мактабдаги метод бирлашмалар ҳамда кабинетларнинг хизмати катта. Метод бирлашмаларда ўқитувчилар фикр алмашадилар: ўзаро кузатилган дарслар муҳокама қилинади. Ёш ва тажрибасиз ўқитувчиларга маслаҳатлар уюштирилади, илғор тажрибаларни кенг оммалаштирадилар.

Педагогик ижодкорлик манбаи - бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндошишни,

Ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида янги, самарали йўл ва воситаларни кидириб топишни тушунамиз.

Илғор педагогик тажриба ўқитувчи томонидан қўлланиладиган иш шакли ва усуллари, услуб ва воситаларидир. Улар воситасида ўқув-тарбиявий ишларда энг юқори натижаларга эришилади.

Илғор педагогик тажрибани ўрганиш, унга асосланиб янги педагогик ходиса ва қонуниятларни очиш ўқув тарбия жараёнига сифатли ўзгаришлар киритади, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш, янги кўринишдаги ўқув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга сабаб бўлади.

Фан-техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи аввало тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Ўқитувчи илмий тадқиқот ишлари олиб бориши давомида омилларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. У фан хулосаларидан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида ҳозирги замон ўқитувчиси учун зарур бўлган жуда муҳим фазилатларни эгаллайди.

Мактабда педагогик фаолиятни илмий асосда таҳлил қилиш муаммоси кўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланиш, синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқитувчи тарбиячиларнинг ижтимоий топшириқларини тартибга солишдан иборат деб қаралади.

Педагогик маҳоратни илмий — асосда ташкил этиш мазмуни анча кенг тушунча бўлиб, унга аввало, ходимларнинг малакаси, қобилияти ва кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларни тўғри танлаш ва жой – жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қўлланилаётган усуллар тизимини узлуксиз такомиллаштириш ва таълим - тарбия жараёнига техника воситаларини жорий этиш масалалари киради.

Таълим методларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва муваффақияти улар ўқувчилар мустақиллиги ва ижодий фаоллигини ривожлантиришга қанчалик ёрдам беришига боғлиқ. ўқитувчи ўқувчиларга

мустақиллик кўрсатиш учун шароит яратса, ўқувчилар билимларини бамисоли ўзлари олаётгандек туюлса, мазкур метод самарали бўлади.

Таълим методларида ўқитувчининг қиёфаси, унинг дунёқараши, унинг психологик - педагогик, методик ва махсус илмий тайёргарлик намоён бўлади. Худди ана шу омиллар таълим методларини саморадорлигини белгилайди. Муайян метод яхши тайёргарлиги бўлган ўқитувчида ўз афзалликларини намоён қилса, тайёргарлиги заиф бўлган ўқитувчида шу методнинг ўзи салбий жиҳатларини намоён қилади. Шу сабабли таълим методларини самарадорлигини ошириш учун ўқитувчининг тайёргарлик даражаси принципиал аҳамиятга эга. Ўқитувчи ижодий педагогик фаолияти ва ўқувчилар ижодий фаолиятининг таълим методида ўз маълумоти, маданияти, касбий тайёргарлиги даражасини қанчалик акс эттиришига боғлиқ. Бунда ижодиёт учун қанча имкониятлар бор.

Билим фаолияти хусусиятларини, унинг зиддиятларини ўқитувчининг англаб олиш изланиш характеридаги ўқув вазиятини шакллантириши ва уларни ҳал этиш жараёнини бошқариш имконини беради.

Илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаси таълим методларини такомиллаштиришга катта таъсир кўрсатади. Бундай тажрибани умумлаштириш ва ёйиш-ўқув жараёни сифатини оширишнинг муҳим шартидир.

Ўқитувчилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз ишларининг чинакам усталарига айланадилар. Соғлом фикр юритувчи ҳар бир киши маҳоратли тарбиячи бўла олади, маҳоратга тажриба ҳамда фикр юритиш орқали эришилади.

Педагогик фаолиятнинг назарий асоси касбга оид билимлардир. У фақатгина ўз предметини эмас, балки педагогика ва психологияга доир билимларини ўзлаштириши ва уларни мунтазам тўлдириб бориши лозим. Илмий психологик-педагогик билимлар системасининг мавжудлиги ўқитувчига фақат ўз синфини ҳамда айрим ўқувчиларни ўрганиш ва уларнинг тўғри характеристикасини тузишгина эмас, балки ўқувчилар жамоаси билан ва унинг ҳар бир аъзосининг ривожланиши истиқболларини

ҳам белгилаш имконини беради. ўқитувчи - тарбиячининг амалий фаолияти бу кўплаб педагогик вазифаларни бетўхтов ҳал қилишдир. ўзининг касбга доир билимлар тўпламидан ижодий фойдаланган ўқитувчигина уларни муваффақиятли ҳал этиши мумкин.

Педагогик одобини эгаллаш ўқитувчидан ўз устида пухта, ўйлаб ишлашни талаб қилади. Ўқитувчи ўз хатти - ҳаракатини доимо назорат қилиши, қарашини, ишорасини билан ўқувчилар хатти -ҳаракатига ўз муносабатини билдира билиш керак. Яъни педагогик одобини ўқитувчида ўз туйғуларини ифода қилишнинг соф ташқи малакалари мавжуд бўлишини ҳам назарда тутати. Малакаларнинг бундай мажмуи педагогик маҳоратнинг таркибий қисми бўлиб, у педагогик техникасини деб аталади. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини унинг интеллекти ва маданиятига "Умумтаълим ва хунарни мактабининг ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари"да жиддий эътибор берилади ва бу ўринда ўқитувчи ўз педагогик маҳоратини, касбга доир вазифаларни ҳал қилиш қанчалик қўлидан келишини доимо текшириб бориши бола онги ҳамда қалбига энг яхши йўللарни ахтариши кераклиги таъкидлаб ўтилади. Ўқувчиларга ўз хатти-ҳаракати, турмуш тарзини, ўз қиёфасини ва билимининг билан таъсир қилади. Унинг маданияти, ҳақгўйлигини ва маънавий сифатларини ўқувчилар томонидан ҳар хил тарзда қабул қилинади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи у қайси фанни олиб боришидан қатъи назар, ўқувчилар учун маънавийлик мураббийсини, тақлид учун юксак намуна, ўрнак бўлиши керак.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа тайёрланаётган мутахассисларнинг сифатини янада яхшилашга, уларни ижодий фикрловчи ва ташаббускор мутахассислар қилиб тарбиялашга эришишдан иборатдир. Бу ўз навбатида ўқувчиларга билим беришни тубдан яхшилаш ва уларга замон талабларини даражасида тарбия беришни талаб қилади.

Ўқувчилар мактаб даргоҳига қадам қўйишлари билан ўзлари қизиққан фанлар ва шу фанларнинг сирларини сабр-тоқат ва матонат билан ўзлаштирадилар. Бунда синф хонасида ўтиладиган дарс ва машғулотларда

фаоллик кўрсатиш ҳамда мустақил ишлашни тўғри уюштира олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ўқувчи учун ҳар бир дақиқа ғанимат.

Мактабнинг бошланғич синфларида ўқув-тарбия ишларидаги асосий камчилик сифатида улгурмовчилик кўзга ташланади. Ҳамма ишни, жумладан ўқув жараёнини ҳам илмий асосда ташкил этиш мураккаб бир жараён бўлиб, уни амалга тўла ошириш учун фан ва техникадаги сўнгги янгиликлар билан мунтазам равишда танишиб бориш, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва уларнинг келажак тараққиёти билан бевосита қизиқиш, ўқув методик ва техника воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириб бориш, ўқув жараёнини тўғри режалаштириш, илмий ишларни ривожлантириб бориш, илмий-педагогик мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш, мутахассислардан ўринли фойдаланиш, ўқувчиларнинг иш шароити, дам олиш ва ҳар хил жамоат ишларига иштирокини мукамаллаштириб бориш кабиларни ўз ичига олади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий ва ўрта махсус таълими тизимини янада ривожлантириш, тайёрланаётган мутахассислар сифатини яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, энг илғор техника ва технологияни ўқитиш жараёни ва илмий-тадқиқот ишларига жорий этиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилади.

Бу амалдаги мавжуд анъанавий ўқиш усулларида воз кечиш керак, деган маънони бермайди. Аксинча, мактаблардаги айрим тажрибали ўқитувчиларнинг ишларига таянган ҳолда, ўқув жараёнини бошқариш соҳаларидаги тадбирларни такомиллаштириб ва мукамаллаштириб боришни кўзда тутди. Ўқув жараёнини бошқаришнинг самарадорлигини унинг қанчалик тўғри ва оқилона режалаштирилганлиги билан ўлчанади. Буни тўғри ҳал этишда ўқиш жараёнининг график жадваллари бир мунча енгиллик туғдириши мумкин.

Ўқув жараёнини муваффақиятли ва серунум ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятларини чуқур ўрганиш муҳим роль ўйнайди.

Ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этишда унинг психологик-физиологик томонини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштиришда талабаларнинг эшитиш, кўриш, фикрлаш хусусиятларининг қай даражада эканлиги, бунга мувофиқ равишда сарф бўладиган меҳнат алоҳида ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун ўқув режасини тузишда ва улардаги фанларни дарс жадвалларига жойлаштиришда ҳар томонлама ўйлаб иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитиш жараёнининг физиологик асоси сифатида рефлекслар ва сигналлар системалари ҳақидаги, олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотдан фойдаланилади. Олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотга кўра, кишида руҳий ўзгариш ва тассурот ташқи муҳит натижасида юз беради ва ички фаолият билан ўзаро боғлиқ бўлади. Физиологик ва руҳий жиҳатдан ўқитиш назариясининг асоси олий мактабда ўқитиш жараёни учун ҳам асос қилиб олинади ҳамда рефлекс ва сигналларга оид янги текширишлар асосида тўлдириб борилади.

Рефлекслар шартли ва шартсиз деб икки турга бўлинади. Шартли рефлекс одам ва ҳайвонларга хосдир. Уларда доимий равишда таъсир ва жавоб реакцияси мавжуд бўлади. Шартли рефлекс ташқи муҳит таъсири билан юз берган ўзгаришларга мослашиш асосида пайдо бўлади.

Шартсиз рефлекс билан шартли рефлекс ўзаро боғлиқ бўлиб, шартли рефлекслар шартсиз рефлекслар асосида пайдо бўлади.

Сигнал системалари икки қисмдан иборатдир: биринчи сигнал системаси кишининг кўриш, эшитиш, сезиш, идрок этиш ва бошқа шартли қабул қилиш аъзоларида акс этади.

Кишининг руҳий фаолиятида иккинчи сигнал системаси муҳим роль ўйнайди. Чунки у нутқ ва ёзув билан боғлиқдир. Иккинчи сигнал системаси биринчи сигнал системаси билан чамбарчас боғлиқ ва ундан келиб чиқади. Биринчи сигнал системаси борлиқнинг киши органларига таъсири орқали ҳосил бўлади. Масалан, кўриш ва эшитиш натижасида миямизда ҳосил бўлувчи образлар биринчи сигнал системасидир. Сўнгра маъноли қисмлар юзага келади. Бу эса иккинчи сигнал системаси ҳисобланади. Жумладан

“стол” деганда, тўрт товушдан иборат сўзни, тўрт оёқли ўқув қуролини, рўзгор ёки лобаротория столини тушунамиз. Биз столга қараймиз ва у ҳақда тафаккур юритамиз. Шу йўл орқали бизнинг онгимизда иккинчи сигнал системаси ҳосил бўзлади. Иккинчи сигнал системаси кишиларнинг бир-бирини тушуниш ва алоқа боғлашларига имкон берувчи фактордир. Шунингдек “олий таҳлил” ва “олий бирлаштириш” сингари тафаккур шакллари юзага келтиради. Натижада фан билан шуғулланиш ва савол чиқариш имконияти вужудга келади.

И. Н. Павлов иккинчи сигнал системасини “киши хулқ-атворининг регулятори” деб баҳолайди. Ўқув жараёнида сўзнинг, нутқнинг ва тилнинг маъноси ва аҳамияти ғоят каттадир. Ўқувчилар сўзлар, белгилар ва формулалар ёрдамида мураккаб илмий тушунчаларни ўрганадилар. Шундай экан ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш ҳозирги даврда энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

1.2. Бошланғич синф ўқитувчиси малакаларига кўйиладиган талаблар.

Ўқитувчилик истеъдоди, ихтисослигига лаёқати тўғрисида гап борганда муаллимларни шартли равишда уч тоифага ажратамиз. Изланувчан, ижодкор ўқитувчилар биринчи тоифани ташкил этса, иккинчи тоифага ўз вазифасини нимадан бошлашни билмай қийналаётган ўқитувчилар киради. Таълим ва тарбия ишига тасодифан кириб қолган ўқитувчилар эса учинчи тоифа доирасида фаолият кўрсатадилар.

Мактаб халқ таълими ишида биринчи тоифага кирувчи, тўла маънодаги ижодкор муаллимлар хал қилувчи куч ҳисобланадилар.

Дарсинг билим беришдаги ролини, унинг масъулиятини сезган ҳар бир илғор педагог машғулотга пухта тайёрланиб, уни мазмунан бойитади, тинмай изланиб, ўқитишнинг янги усулларини яратиб, мактаб таълимида қўллашга айтилади.

Шу йўл билан қирқ беш дақиқа дарсни яхши бир асар янглиғ ўз ўқувчилари онгига сингдиради. Бундай фидойи зиёбахш қалб эгалари шахсий ижодий жараёнини бойитишга муносиб хисса қўшадилар. Шу тариқа ҳар бир ижодкор ўқитувчи ўзининг ҳақиқий муаллимлик маҳоратини яратади.

Ўқитувчи орттирган тажрибасини дарс бериш жараёнида қўллаш билан бирга юксак педагогик маданиятини ҳам ёрқин намоеън эта билиши керак. Аммо баъзи бир ўқитувчиларда тадбиркорлик, сиёсий билим, мунозара олиб бориш маданияти етишмайди. Бунинг ўрнига хаддан ташқари хиссиётга берилиши, тоқатсизлик холлари юз бермоқда. Жамиятда маданият бўлмас экан ахлоқийлик ҳам бўлмайди. Одоб, маданият бўлмаса ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий қонунлар амал қилмайди, замонавий илм-фан, хусусан таълим ривож топмайди.

Таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришни педагогик таълимнинг таркибий қисмига айлантиришда ўқитувчи маънавий-ахлоқий қиёфаси етакчи ўрин тутди. Бинобарин, ўқитувчи фаолиятининг ана шу йўналиши унинг педагогик билими ва маҳорати билан уйғунлашиб бориши

лозим. Шу сабабли ўқитувчиларни тайёрлаш мазмуни уларнинг профессионал маданияти билан узвий боғлиқдир. Ўқитувчи учун зарур бўлган нарса бу педагогик маданиятдир. Мазкур тушунча моҳият-эътибори билан ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик алоқасини изохлайди. Шунга кўра таълимни инсонпарварлаштириш масаласи мазкур масалада ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар шахслараро мулоқот ва муносабатларни, ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳамкорлигини йўлга қўйишга эришилди. Гарчи бу жараён осон йўл бўлиб ҳисобланса ҳам, бироқ ана шу усул асосида иш кўрган ўқитувчи ўзи ҳоҳламаган ҳолда таълим мазмунини ва сифатини илмга мослаштиришга интилди. Бунда ўқитувчи ва ўқувчиларни дидактик ҳамкорлиги ҳам яққол кўзга ташланади. Дарс давомида таълим мазмуни, шакли орқали, ахлоқий сифатлар шаклланиб боради.

Ўқиш жараёни ташкилий ва методик шакллардангина иборат бўлиб қолмасдан, у кенг ва кўп қирралидир: ўқув дастурлари, дарс жадваллари, синовлар, маслаҳатлар, имтиҳонлар, турли хил тажриба ва бошқа шу кабиларни қамраб олади. Унинг ҳар бир бўлаги ўз мазмуни ва йўналишига эгадир.

Ҳозирги вақтда мактаб олдида шакл ва мазмунни бирга қўшиб боришнинг самарали йўллари излаб топиш ва уни ўқиш жараёнига жорий қилиш вазифаси турибди. Ана шундай имкониятлардан бири ўқитиш жараёнини илмий асосда ташкил этишдан иборат бўлиб, у ғоявий жиҳатдан мустаҳкам, ҳар томонлама тараққий этган, мустақил фикр юрита оладиган юқори малакали мутахассисларни етказиш учун хизмат қилиши лозим.

Ўқув режаси давлат ҳужжати бўлиб, ўқув ишлари тартиби, мазмуни, шакллари (турларини) аниқ белгилаб беришда, шунингдек, талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқув режасида маъруза ва амалий машғулотлар, имтиҳон сессиялари, диплом ишлари, таътил сингариларни олиб бориш ва ўтказишнинг муддатлари аниқ кўрсатилади.

Ўқув режалари ҳамма ўқув юртлари учун бир хилда эмас, чунки уларнинг хар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўқув муддатини белгилашда ҳисобга олинади. Масалан, айрим олий мактаблар тўрт йил, баъзилари беш йил ва олти йилга мўлжаллангандир. Шунга мувофиқ ўқиладиган фанлар, имтихонлар, синовлар ва курс ишлари миқдори семестрлар бўйича аниқ белгилаб чиқилади.

Хар бир талаба учун дарсхонада ўтиладиган бир кунлик маъруза, амалий машғулотлар ва мустақил ишлар учун 10 соат вақт мезон ҳисобланади. Шанба куни бундан камроқ бўлиши мумкин. Демак, бир ҳафтада ўртача 50-56 соат вақт сарф этилиши лозим. 1-2-курсларда маъруза ва амалий машғулотларга 5 соат, мустақил тайёрланишга 5 соат, юқори курсларда эса 4-6 соатга тўғри келиши табиий ҳолдир. Бир кунда ўтилган дарсларнинг дастлабки соатлари серунум, сермахсул ўқув соатлари ҳисобланади.

Хар бир факультет учун ўқув режалари тузилади. Ўқув режасида 4 йил мобайнида ўқиладиган фанлар бўйича маърузалар, амалий машғулотлар, махсус курслар, махсус семинарлар, синовлар, курс ва диплом ишлари, педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибалари, имтихон ва синовлар мунтазам равишда аниқлаб берилади. Ўқув режаси тузиб бўлингач муҳокама этилади ва тасдиқланади. Тасдиқланган ўқув режаси узоқ йилларгача амалда қўлланиб борилади. Лекин ўқиш жараёнида баъзи ўзгартиришлар киритиш мумкин ва бу ўзгартиришлар кафедра ва факультетнинг тасияси билан университет илмий кенгашида тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

Ўқув режасидаги хар бир фан ўзининг ўқув дастурига эга бўлади. Дастурларни олимлар ва тажриба ўтказувчи ўқитувчилар тузиши мумкин. Дастурлар маъруза ва амалий машғулотларни олиб борувчи олим-педагоглар томонидан тайёрлангани маъқул. Чунки ўқув режасининг моҳиятини фақат аудитория билан мулоқотда бўлган мутахассисгина тўла очиб бера олиши мумкин.

Дастур қисқагина сўз билан бошланиб (сўз боши дастурни тузувчи ёки муҳаррир томонидан ёзилади), сўнгра бир неча боб ёки бўлимларга

ажралади. Ҳар бир боб ёки бўлимда алоҳида ўтиладиган мавзулар ва кичик мавзулар берилиб, охирида зарурий ва қўшимча адабиётлар рўйхати келтирилади.

Дастурда фанлар боб, қисм ва бўлимларга ажратилиб, ҳар бир мавзу бўлимларга бўлинади, ҳар бир боб, бўлим ёки қисмдан сўнг фойдаланиши лозим бўлган адабиётлар рўйхатидан ушбу фанга бевосита тааллуқли адабиётлар алфавит тартиби да келтирилади. Бу ўқитувчининг маърузаларга ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўришни осонлаштиради. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, дастурда бериладиган адабиётлар ҳам ўқитувчи, ҳам талабага мўлжалланган. “Мутахассисликка кириш”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек диалектологияси”, “Сиёсий иқтисод” кабилар шулар жумласидандир..

Шунинг учун ўқитувчилар дастурдаги адабиётларнинг бир қисминигина ўқувчиларга мустақил ишлаш учун тасия этишлари лозим.

Дарс ва айрим машғулотлар жадвали бир семестрда ўтиладиган фанлар юзасидан тузилади. Унда ярим йиллик соатлар ҳисобга олиниб, ҳафталарга бўлинади. Шунинг учун, ҳар бир семестр бўйича ўтилиши лозим бўлган соатларни мунтазам равишда жадвалга жойлаштириш ва ўтиш табиий ҳол ҳисобланади. Деканат дарс жадвалининг тўғри тузилишига эътибор бериши лозим. Қулай вариантда тузилган дарс жадвали ўз навбатида ўқитувчининг ҳам, талабаларнинг ҳам вақтини тежайди ва ишини осонлаштиради.

Мавжуд ўқув дастурлари асосида ўқитувчи ўз иш дастурини тузади. Унда керакли материаллар, адабиётлар ва машғулотларнинг ҳажми (соатлари) аниқ кўрсатилади ва у деталлаштирилади. Шунингдек маъруза ва амалий машғулотлар алоҳида кўрсатилади. Адабиётларнинг бир қисми мустақил ишлаш учун тасия этилади.

Олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва методларидан фойдаланилади. Таълимнинг асосий шакллари маъруза ва семинар, амалий ва лобаротория машғулотлари, маслаҳат ва коллоквиумлар, курс ва диплом ишлари ҳисобланади. Бундан ташқари

талабаларнинг илмий жамияти йўли билан ўқитувчилар раҳбарлигида, кафедра ва лобороториялар қошида талабалар илмий конференцияларига маърузалар тайёрлаш ва унда иштирок этиш йўли билан ҳам чуқур билим берилади.

Дарс ўқитиш жараёнининг асосий шаклидир. Ўқитиш жараёни шакллари ичида дарс энг асосийси ҳисобланади. У анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Дарс ўтиш учун ўқитувчи малакали бўлиши лозим, чунки бошланғич синфни ўқитиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб этади. Ҳар бир дарс ишланмасини тайёрлаш эса ҳақиқий илмий ишни эслатади.

Дарс вақтида ҳам, турли тўғараклар жараёнида ҳам асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишини ривожлантириш, билим ва малакасини оширишга қаратилган бўлади. Дарс синфхонада олиб бориладиган машғулотлар ичида энг кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади. Дарсни йўналишини белгилашда ўқитувчи асосий ролни ўйнайди.

Дарс усулидан асосан мактабларда фойдаланилади ва у ўқитиш жараёнининг муҳим қисмини ташкил этади. Лекин ҳозирги даврга келиб янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтишнинг натижаси самаралироқ бўлиб борапти. Шунингдек, янги педагогик технологиялар умумий ўрта таълим мактабларнинг юқори синфларида ўқувчиларга янги ахборот беришда қўл келмоқда. Бошланғич синфларда ўтиладиган мавзуларни баён этиш дарслик, қўлланмалар ва бошқа манбалардаги маълумотларни қайта баён қилиб беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ўқитувчининг аниқ бир соҳа бўйича шахсий илмий-педагогик, ижодий изланишларини ҳам ўзида жамлаши лозим. Ҳақиқий ўқитувчи дарсни шунчаки топшириқ деб қарамасдан, балки мунтазам равишда унга тайёрланиб бориши, дарс мавзусини қайта ишлаб, тўлдириб ва мукаммаллаштириши лозим. Бунда ҳар бир ўқитувчининг ўз амалий қарашлари, материалларга шахсий муносабатлари, илмий умумлаштирмалари бўлиши шарт. Бунинг учун адабиётлар танлаш, улардан

ўринли фойдалана билиш, матбуотда пайдо бўлаётган янги адабиётларни етарли ҳисобга олиб бориш талаб этилади.

Ҳар бир ўқитувчи машғулотга тайёрланишда ушбу мавзуга тааллуқли бўлган кўпгина материалларни қамраб олишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар қандай машғулотнинг назарий асосларини эса миллий ғоя ва мафкурамизга оид асарлар ташкил этади. Сўнгра ҳар бир фаннинг дарслик ва қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар, журнал ва газеталар материаллари, тарихий ёзма ёдгорликлар ва бадий асарлар, радио ва телевидения каби аниқ материаллардан фойдаланилади. Бу материалларнинг ҳаммаси тартибга солиниб, маълум режа асосида ёзиб чиқилади.

Машғулот жараёнида маъруза, ҳикоя, суҳбат, мунозара ва оммавий муҳокамадан фойдаланилади. Буларнинг айримлари ёзма усулда ифода этилади. Бунинг учун ўқитувчида режа ва дарс баённомаси бўлиши керак. Айниқса, маърузада ишлатиладиган изоҳлар, кўчирмалар, маълумотлар, мисоллар учун ёзма равишда алоҳида кўрғазмалар тайёрланган бўлади.

Мавзу материалларини ва тўлақонли машғулотнинг ўзини тайёрлашда янги терминларни, тушунилиши қийин бўлган сўзларни ва умуман мавзуга тегишли бўлган материалларни қайта-қайта ўқиб олиш, турли манбаларни диққат билан кўздан кечириб чиқиш фойдалидир.

Бинобарин, машғулотга тайёрланишда китоб, журнал ва бошқа материалларни пала-партиш ўқиш, унинг мавхум жойларини эътиборсиз қолдириб, нотаниш сўзлар, ноаниқ атамалар ва мавхум ибораларни аниқламасдан ташлаб кетиш материалларни ўзлаштириб олишга ҳалақит беради ва англашилмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Синфда ўқувчиларга етказиладиган ўқув материалларининг йўналиши ва уларни ўқувчилар қабул қилиб олиши турлича характерда бўлади. Бу сўзсиз ўқувчиларнинг умумий билими, машқи, уларга таълим берган ўқитувчининг маҳоратига боғлиқдир. Чунки ўқитувчи олий мактаб билимини олган ва ўқитувчилик маҳоратини эгаллаган бўлади.

Дарс ёки машғулотда айтилган материалларни тушуниш ва қабул қилиб олишининг маълум тартибдаги мезонлари бўлади. Қуйидагича ўртача

мезон белгилаш мумкин; бир минутда 1-синфда 20-25 сўз, 2-синфда 25-30 сўз, 3-синфда 30-35 сўз, 4-10 синфларда 35-50 сўз, касб-хунар коллежларида 40-45 сўз, ўрта махсус билим юртларида 50-55 сўз, олий ўқув юртларининг 1 курсларида 50-55 сўз, 2-3 курсларда 60-65 сўз, юқори курсларда 75-85 сўз тушуниб олинади ва қабул қилинади. Бу меъёр ўз навбатида ўқитувчининг машғулоти пайтидаги маҳорати ва нутқ тезлиги билан характерланади. Бундай тезлик паст суръатда минутига 40-50 сўз, ўртача ҳолатда 60-80 сўз, юқори тезликда эса 100-110 сўз талаффуз этилади ва ўқувчиларга етказилади.

Демак, ўқувчиларнинг тушуниши, қабул қилиб олиши ва машғулоти ёзиб олишга улгуриш жараёни ўқитувчининг ўқишдаги маҳорати, малакаси, тезлик ва нутқ маданиятига боғлиқдир.

Дарс 45 минутдан иборат бўлиб, орада 5 минутлик танаффус берилади. Умумий қоидага мувофиқ ўқитувчи мавзунинг номини эълон қилади ва у қандай масалаларни қамраб олишини айтади. Ҳар бир мавзу тушунтириб бўлингач ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказилади, тушунилмай қолган масалалар ойдинлаштирилади. Ҳар бир мавзунинг охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади.

Бошланғич синф ўқитувчиси фаол, ижодий, касбий ва ижтимоий фаолиятга тайёр бўлиши керак. Маълумки, бу фаолият республикаимиз ҳаётидаги янги ҳодисалар, тараққиёт, шаклланишни таъминлайди, бу эса ҳар бир инсоннинг маънавий таълимий эҳтиёжларини қондириш учун аниқ шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Ўқитувчи республикаимиз ижтимоий ҳаётидаги муаммолар ва ҳозирги жараёнларга, бу жараёнлардаги ўз касбий фаолият ўрни ва қийматига, жаҳон ижтимоий тараққиётидаги улкан муаммолар ва йўналишларига тўлақонли ёндошув асосида баҳо бера олиши, диалектик равишда фикрлай олиши, ўз нуқтаи-назарини далил-исботлар ёрдамида ҳимоя қила билиши керак. У ўқувчилар билан олиб бориладиган ташкилий ва тарбиявий ишларни амалга оширишда жамоа, касбий ва ижтимоий фаолият кўникмаларига эга бўлиши,

моҳирона қарорлар қабул қила олиши, бу қарорларнинг ижтимоий оқибатлари ва ахлоқий талабларини ҳисобга ола билиши лозим.

Бошланғич синф ўқитувчиси она тилини чуқур ва тўла билиши лозим, ривожланган нутқ маданиятига эга бўлиши, ўз касбий фаолиятида хорижий мамлакатлар иш тажрибаларини ўрганиш ва энг яхшиларидан фойдаланиш учун ўз халқининг этник маданияти ва психологияси, ўтмиш аجدодлар томонидан ишлаб чиқилган халқ ахлоқ-одоби асосларини, у ёки бу миллий маданиятнинг ўзига хос томонларини билиши, мусиқий ва адабий халқ оғзаки ижодидан хабардор бўлиши керак. Шунингдек, у ўзини маънавий ва жисмоний жиҳатдан мунтазам равишда такомиллаштириб бориши лозим.

Ўқитувчи шахсияти унинг педагогик фаолияти талаблари ва касбий педагогик йўналганлиги билан характерланади. Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган қуйидаги касбий фазилатлар зарур: болага шахс сифатида муносабатда бўлиш, унинг қизиқишлари ва хусусиятларини ўргана билиш ва тушуниш, педагогик кузатувчанлик, дилкашлик, жонли ытасаввурга эга бўлиш, педагогик назокат, ташкилотчилик малакалари; кенг маънавий қизиқишлари; билишга эҳтиёж сезиш, ижтимоий муаммоларни тушуна билиш.

Бошланғич синф ўқитувчиси қуйидаги ўз касбига ёт бўлган шахсий қусурларни, яъни касбий лоқайдлик, бола тарбиясидаги формализм, уларнинг тақдирига бефарқлик, тажанглик, енгилтаклик, шошма-шошарлик билан хулоса чиқариш кабиларни енга билиши керак. Бошланғич синф ўқитувчиси шундай педагогик фазилатларни ўзида мужассамлантирган бўлиши керак, улар қуйидаги масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериши керак.

– Биринчи навбатда, ўқув фаолиятини шундай ташкил қилиш керакки, бунда ўқувчининг шахси камол топсин, шунингдек, ҳозирги даврда бошланғич таълим олдиға қўйиладиган вазифалар аниқ бўлсин;

– Иккинчидан, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг рухий-физиологик ҳолатларини билсин;

– Учинчидан, ўз билимларини, психологик-педагогик тайёргарлигини ошира бориб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тўлиқ

ўрганиши, болалар билан уларнинг ота-оналари билан яхши муомалада бўлиши зарур. Болаларни ўйин воситасида тарбиялай билиши керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни камол топтиришда таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлигини доимий ва изчил амалга ошириш лозим; бошланғич синф ўқитувчиси билиш имкониятларини кенгайтириб бориши керак;

– Тўртинчи бошланғич синф ўқитувчиси билимининг мазмуни ҳамда ўқитишнинг шакл-усуллари жамиятдаги инсонпарварлик ва демократик ғояларга мос бўлиши керак. Булар эса ўқитувчиларнинг ўқувчиларга бўлган муносабатида қандайдир авторитар характердаги иш методидан воз кечишга олиб келади ҳамда ўқитувчи шахсининг обрўсини оширади.

– Юқори синф ўқитувчиси каби бошланғич синф ўқитувчиси ҳам фақат дастур мазмунининггина (эмас) ўзлаштириб қолмасдан, фанларни ўзлаштириш жараёнини ташкил қила олиши керак.

Буюк мутафаккирларимиз ҳам ўқитувчи-муаллимлар ҳақида ўзларининг фикрларини билдириб ўтганлар, биз биргина буюк табиб Абу Али Ибн Синонинг фикрларини келтириб ўтамиз. Ибн Сино ўз қарашларида бўлажак педагоглар учун бир қатор кўрсатмалар берган бўлиб, бу кўрсатмалар дарс жараёнини ижодий ташкил этишга ва ўқувчиларни фаол ҳаракатга ундайди: болани бирданига китобга боғлаб қўйиб, унинг қизиқишларини сўндириш ярамайди; таълим изчил, мўътадил, мунтазам равишда оддийдан мураккабга томон ўсиб бориши зарур; ўқув машғулоти меъёрланган ва албатта бола ёшига муносиб бўлмоғи шарт; таълим жамоа шаклида ўқитилиши керакки, айни жамоада бола кам чарчайди, унда ўзаро беллашув туйғуси ривож топади. пировард натижада болаларда янги куч-ғайрат сабр қаноат ҳосил бўлади; таълим тизими боланинг қобилият ва қизиқиш доирасига мос бўлмоғи лозим; таълим албатта жисмоний тарбия машқлари билан боғлаб олиб борилиши шарт.

Ибн Синонинг юқоридаги фикрларига қўшимча тарзда шундай дейди: “Кичик ёшдаги болани ўқитишда, фаол руҳда тарбиялашда, муаллим

танлашнинг аҳамияти катта бўлиб қуйидаги талабларга жавоб бўлиши керак:

-тарбиячи болалар билан муомалада оғир-босиқ бўлмоғи лозим; муаллим боланинг берилган сабоқни турмушга қўллашига алоҳида аҳамият бериши лозим; таълим жараёнида муаллим турли туман усул ва шакллардан фойдаланиши керак; таълим тарбия йўриғида муаллим ўқувиларнинг хотираси, бошқа ақлий қобилиятларига суяна билмоғи, яъни ҳар бир боланинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинмоғи зарур; ўз ўқувчиларини илм-фанга қизиқтиришда муаллим тарбия ва жазо усулларини оқилона муштараклаштира олиши ва уларни ўтилган сабоқларни такрорлаб боришга ўргатмоғи лозим;

- айтилган фикр болаларга тушунарли бўлмоғи учун, боланинг ўзи масаланинг моҳиятига етган бўлиши керак, фикри лўнда, аниқ, адабий, ортиқча безакларсиз баён қилиши керак. Мавҳум тингловчи ёки шогирдларнинг ёши ва ақлий қобилиятларига мос келмайдиган фикр кутилган натижа бермайди; ўқитувчи ўзи айтган ҳар бир сўз ва жумласини унга мос, имо-ишора, юз гавда ҳаракатлари билан етказишни ўқувчилар бундай хиссий озиқ олсинлар”³ ва ҳоказо.

Ибн Синонинг педагоглар учун берган кўрсатмалари ва таълим жараёнини ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини изчил йўлга қўйиш ҳақидаги фикрларидан шу жиҳат кўзга ташланадигани, ўқувчининг ўқув фаолликлари жамоа руҳида, биргаликдаги фаолиятда онгни амалга оширади.

Таълим жараёнида ўқувчи шахсининг эркин фаолиятини ташкил этиш, фаолликни ошириш масаласига жаҳон педагогика илмида ҳамisha у ёки бу даражада эътибор қаратилган.

2. БОБ. Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятини илмий асосда ташкил этиш қоидалари ва усуллари

Иккинчи бобда бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий фаоллигига хос педагогик ва психологик омиллар уйғунлиги ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Шаклланувчи эксперимент жараёнида прогностик методлари асосида ижтимоий фаолликнинг шаклланиши шартли равишда тўрт босқичга ажратилиб ўрганилган. Шундан олий таълим босқичида бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллигида у томонидан эгалланаётган педагогик-психологик билимлар, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиёт жараёнидаги ижтимоий фаоллик, ижодкорлик мотивацияси педагогик омил сифатида таҳлил этилиб, жадвал ҳолига келтирилган. Шунингдек, касбга бўлган масъулият ҳисси ҳамда ижтимоий тараққиётдаги ўрни мотивацияси ижтимоий фаолликнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Таъкидловчи эксперимент натижаларига мувофиқ талабаларнинг ижтимоий фаоллигини, ижодкорлигини ўрганишга қаратилган прогностик ва диагностик методлар асосида шаклланувчи эксперимент ишлари олиб борилди. Мазкур методлар асосида талабалар уч гуруҳга ажратиб ўрганилди.


Биринчи гуруҳга мансуб талаба ўзидаги касбий қобилият асосида эгаллаётган билим, кўникама ва малакаларга эга; илм асосида билим эгаллаш тамойилига асосланиб фанларни “аъло” га ўзлаштиради; илмий-ижодий изланиш билан шуғулланади; жамоатчилик ишида мунтазам қатнашади; ташаббускор, жамоада ўз ўрни ва овозига ҳамда маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлгани учун шахсий ва касбий сифатларни уйғун равишда олиб боради.

Иккинчи гуруҳга мансуб талаба ўзидаги бор қобилият асосида фанларни яхши ўзлаштиради, эгаллаётган касбига қизиқиш билан қарайди; бўш вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этади; жамоада ўз ўрни бор; янгилик ва ташаббусни ҳар доим маъқуллайди ҳамда бу борада ўз фикрини билдира олади; унинг касбий

қизиқишларини жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб бориши алоҳида кўзга ташланиб туради.

Учинчи гуруҳга мансуб талаба кўпроқ репродуктив ўзлаштириш имконига эга; илмий-тадқиқот ва жамоатчилик ишлари билан шуғулланишни хуш кўрмайди; юқоридан топширилган шанбаликлар, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш каби жамоатчилик ишларини сифатли ҳамда кўзга кўринарли даражада бажаради; аммо ўзича бирор-бир ташаббус билан чиқмасликка ва ўзини ижтимоий суи ҳолда тутишга ҳаракат қилади; лекин байрам тадбирлари ва туғилган кунларда, ўзаро бир-бирига ёрдам уюштиришда томошабин бўлиб туролмайди, баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилади. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахси шаклланишининг педагогик омилларини атрофлича ўрганиб, уни яхлит тизим ҳолида қуйидаги расм кўринишида ифодаладик. Бу тизим айна пайтда ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг моделини белгилайди (1-расм).

Ижтимоий фаол, иждокор ўқитувчи шахсининг модели.



1-расм. Ижтимоий фаол, иждокор ўқитувчи шахси шаклланишининг яхлит тизими.

Расмда ифодаланганидек, ижтимоий фаол, иждокор ўқитувчи шахси шаклланишининг асосий педагогик омили ўқувчи шахсида мустақил фикр ва мантиқий тафаккурни шакллантиришдан бошланиб, касбга тўғри йўналтириш, шахсни ижтимоий ҳаёт ривожига тўғри тайёрлаш билан

баробар эканлиги ўқувчи ҳамда талаба томонидан англаниши билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди.

Анъанавий ва интерфаол методлар асосида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи 200 га яқин психологик омиллар ўрганиб чиқилди. Ана шулардан энг зарурлари сараланиб, иерархик тартибда жойлаштирилди. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланишига туртки бўлувчи энг зарур психологик омиллар 12 тага келтирилди. Шулардан биринчиси, ўқитувчининг темперамент хусусиятлари бўлиб чиқди. Ундан сўнгги психологик омилларда ўқитувчининг руҳий ва жисмоний соғломлиги аниқланди.

Тадқиқий изланишлар шуни кўрсатадики, ҳар бир педагогик ва психологик омил ўзининг мазмун-моҳиятига кўра назарий таҳлил ҳамда амалга ошиш даражасига мувофиқ бир қанча муаммоли вазиятлар, муаммолар ва зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳоллар шахсининг ижтимоий фаоллиги ҳамда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

2.1. Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш.

Ижод, ижодийлик, бунёдкорлик, яратувчанлик мураккаб, рухий жараён бўлиб, у аввало ўқитувчиларнинг фикрлаши, дунёқараши, мустақил фаолият кўрсатиши, хотираси, диққати, иродаси билан чамбарчас боғланган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари ижодий тафаккурга шундай таъриф беради: «. . . шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаш, учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак» - дейди Қомусий олим ал-Фаробий.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида янги ижтимоий муносабатларга фаол кириша оладиган, демократик, ҳуқуқий тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамият қуришда ўзининг инсонпарварлик бурчи ва касб маъсулияти билан яшай оладиган етук шахсларни тарбиялаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ҳар қандай меҳнатнинг муваффақияти ва самараси уни ташкил этишга, бу меҳнатни уюштиришга таъсир этадиган шарт-шароитларга, фаолиятни амалга ошириш йўлларига боғлиқ.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш деганда педагогик жараённи бошқариш учун педагогика, психология фанининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўз ишини ижодий ташкил этиб янгиликларни яратиш тушунилади. Ўқитувчи меҳнати унинг вақти билан боғлиқ бу ишнинг муваффақияти вақтдан умумли фойдаланиш, ўзининг имкониятларини тўла ҳисобга олиш, ўқув тарбия жараёнида ўзини намоён этиш ва ўзининг кимлигини, қандай эканини, нималарга қодир эканлигини тасдиқлаш билан боғлиқ.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш биринчи навбатда ўзининг ижодий имкониятларига ишониш демакдир. Ўқитувчи таълим жараёнини тўла тасаввур этиши керак, унинг, қонуниятларини, болани билиш имкониятларини яхши англаши керак.

Педагогик меҳнат натижаси ўқувчиларни мустақил ишлай олиши, исботлай олиши, таҳлил қила олишидадир.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишда намоён бўладиган 3 та асосий белгилар:

1. Вақтдан имкон қадар самарали фойдаланиш;
2. Меҳнат ва дам олиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш, уни ташкил этиш;
3. Барча имкониятларни ишга солган ҳолда меҳнат қилиш ва ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш.

Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда ўқитувчининг кун тартиби ва иш жойи муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи ўзи учун энг оптимал юқори унум берадиган кун тартибини топа олиши керак.

Педагогик меҳнатнинг самараси, мақсади ва фаолият вазифасига кўра билишда ва аниқлай олишдир. Шундагина уни илмий асосда ташкил этиш мумкин бўлади. Бу ўқитувчи меҳнاتини илмий ташкил этишнинг биринчи тамойилидир.

2-чи тамойили фаолият услубини белгилаш.

3-чи тамойили педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда техникадан восита сифатида самарали фойдаланиш тушунилади. Бу тамойил кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик техника ва техник воситалар йиғиндиси кўзда тутилади.

4-чи тамойили таълим-тарбия ишининг режалаштириш ҳисобланади. Режа таълим-тарбия фаолиятини тартибга солиш. Унинг моделини яратиш. Таянч схемаларини топиш масалаларидан ташкил топади. Шулар аниқланса, ўқишда ривожланиш, тарбиялаш жараёни енгиллашади.

Педагогик меҳнатни назорат қилиш ва ҳисобга олиш принципи ўқитувчи ишини мунтазам ва планни кузатиб бориш шундан ютуқ ва камчиликларни аниқлаш кўзда тутилади. Педагогик назорат объективлик, омилкорлик, самарадорлик, мунтазамлик ва ошкорликни талаб қилади.

Ўқитувчи меҳнатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг мунтазамлиги, изчиллиги қуйидагилардан ташкил топади;

А) ўқув материаллари ва тарбиявий тадбирларга тайёрлашини ўзи томонидан назорат қилинади;

Б) Дарсдан ташқари вақтларда таълим тарбия назорат қилиши ва ўзини назорат қилиши;

В) Ўқитувчининг дарсдан ташқари вақтини назорат қилиши;

Г) Ота-оналар ва жамоатчилик билан бажариладиган ишларни назорат қилиш;

Д) ўзи устида ишлашни назорат қилиш.

Ўқитувчи ўз устида ишлар экан, касб-кор малакасини ошириш бўйича аниқ мақсадга мувофиқ тавсия ва кўрсатмаларга эҳтиёж сезади, улар эса изчил бир тизимга солинмаган.

Маълумки, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг субъекти сифатида таёргарлик даражаси, педагогик маҳорат ва шахс сифатлари билан ўқувчиларнинг ахлоқи, одоби ва маънан ривожланишлари комил инсон бўлиб тарбияланишларга бевосита таъсир этади.

Ўқитувчининг ўз малакасини узлуксиз такомиллаштириб бориш асосан куйидаги 4 йўналишда бўлади, яъни;

_ касбкор тайёргарлиги (ўзи ўқитадиган фани бўйича назарий, услубий салоҳияти);

_ педагогик маҳорат (педагогик ва психологик билимларни эгаллаганлик даражаси).

_ педагогик маданият (педагог қобилият, техника, такт ва муомала маданияти);

_ шахс сифатлари.

Ўқитувчи мустақил малака ошириш жараёнида фақат ўзининг нуқсон ёки камчиликларини тузатиш эмас, балки педагогик жараённинг самарадорлигини ошириш учун фан ва амалиёт янгиликларини фаолиятга тадбиқ этади, синаб кўради. Шу билан умумпедагогик савиясининг янги сифат ўзгаришига эришади.

Демак ўз устида мустақил ишлаш педагогик учун шахсий ижодий фаолият ҳисобланади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва ўз малакасини узлуксиз ошириб бориш муаммолар билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотлар, ўз касбининг устаси ижодкор педагогларнинг амалий фаолиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳулосаларига асослансак, шахсий ижодий фаолият ёки ўз

умумпедагогик малакасини узликсиз такомиллаштириш босқичларини тахминан қуйидагича белгиланиши мумкин:

1. Ўз назарий-услубий, педагогик-психологик тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорат, имкониятлар ва шахс сифатларини таҳлил қилиш (ўз-ўзини диагностикалаш).

2. Ўз-ўзини диагностикалаш натижалари асосида қийинчилик ва муаммоларни умумлаштириш ўз касб-кор маҳоратини такомиллаштириш йўналишларини ва очиқ мақсад вазифаларини белгилаш.

3. Мақсад ва вазифалар даражасида ўз педагогик маҳоратини такомиллаштириш восита усулларини танлаш шахсий ижодий фаолият дастури ёки ўз устида мустақил ишлар режасини тузиш.

4. Шахсий ижодий фаолият режа ва дастур асосида ўз умум педагогик маҳоратини такомиллаштириш.

5. Ўз касб-кор маҳорати ва ижодий ўсиш жараёнини вақти-вақти билан ўрганиш (ўз-ўзини қайта диагностикалаш), таҳлил этиш, мустақил ижодий фаолиятга ўзгартириш, тузатишлар (керак бўлганда) киритиш.

6. Мустақил ижодий фаолият натижаларни умумлаштириш, уларни ижодий фаолиятнинг мақсад ва вазифалар билан таҳлил этиш истиқболли йўналишларини белгилаш.

Албатта, шахсий фаолиятни ташкил этишда ўқитувчи мустақил ҳаракат қилади. Шунга қарамасдан юқорида баён этилган тарғибот (структура) шахсий ижодий фаолият жараёнининг изчиллигини таъминлайди.

Ўқитувчининг ўз устида мустақил ишлаши, ўз касб-кор маҳоратини такомиллаштиришига бўлган эҳтиёжи жамиятнинг мактаб, ўқитувчи, унинг шахсига нисбатан талаб ва эътиборининг ўсиши ёки таълим-тарбияга бўлган янги янги ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлади.

Таълим-тарбия тизимидаги янгиликлар, шахсий тадбирлар, истиқболли йўналишлар ўқитувчи олдида ҳал этиши зарур бўлган янги вазифаларни кўндаланг кўяди ва ундан доимий изланишу, ижодкорликни талаб қилади.

Демак ўқитувчи ўз шахсий фаолияти ёки касб-кор маҳоратини мустақил такомиллаштириши ишини ташкил этишда, энг аввало, жамиятнинг мактабга қўйган янги ижтимоий буюртмаси нуқтаи назаридан ёндошади. Мустақил ижодий фаолиятнинг аниқ йўналишлари ва мазмунини белгилашда ўқитувчи уларни ўз-ўзини диагностикалаш педагогик фаолиятни яхлитлигича таҳлил этиш, ўқитувчига ўз муаммо ва қийинчиликларни аниқ белгилаш имконини беради.

Шунинг учун ҳам ўқитувчилар учун ўз-ўзини баҳолашда объектив бўлиш, диагностикалаш восита ва усулларини билиш, энг асосийси «ўзини билмаган ўзгани била олмайди» қабилида иш тутишлари мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчилар асосан малака ошириш курслари ва курсдан курсгача бўлган даврда мустақил билим олиш билан умумпедагогик маҳоратларини такомиллаштирадilar.

Малака ошириш курсларида ўқиш ва мустақил билим олиш бир-бирини тўлдириб ўқитувчининг назарий, услубий тайёргарлигини, педагогик маҳоратини узлуксиз амалга ошириш ҳақида шахсий ижодий фаолият изчиллигини таъминлайди.

Малака ошириш курси тугалланишида тингловчи курсдан кейинга топшириқни олади. Ўқитувчининг кейинги босқичини курсдан-курсгача бўлган даврдаги ижодий мавзуси бўлиб, унинг шахсий ижодий-фаолияти мазкур муаммони ҳал этишга йўналтирилади.

Шахсий-ижодий фаолият мавзусини танлаш ва белгилашда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ;

– мавзунинг ўқитувчи имконияти, қизиқиши ва тайёргарлик даражасига мос бўлиши;

– ўқитувчи фаолиятининг истиқболлиги билан боғлиқлиги;

– оддий моҳиятга эга бўлиши.

Шахсий ижодий фаолият ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос бўлиб, унинг индивидуал-педагогик малака ва кўникмаларини шакллантиради. Ўқитувчининг шахсий ижодий фаолиятини шундай ташкил қилиш керакки,

униниг натижалари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига ижобий таъсир этсин.

Ўқитувчи ижодий фаолият режасини тузишида нималарга асосланиши керак?

Режалаштириш ўқитувчининг ўз касб-кор тайёргарлиги, педагогик маҳорати ва шахс сифатларини диагностикалашдан бошланади.

Шахсий ижодий мавзу (муаммо) ни белгилашда ўқитувчи албатта ўзи ишлаётган мактаб муаммосидан келиб чиқиши керак.

Шахсий ижодий фаолият муаммоси аниқлангандан сўнг, шахсий режа тузилади.

Режада қуйидаги бўлимлардан бўлиши тавсия этилади.

- Ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий саводни ошириш.
- Педагогик ва психологик билимлар.
- Мутахассислик бўйича назария ва услубий тайёргарлик.
- Умуммаданий тайёргарлик.

Ҳар бир бир бўлим бўйича режа шакли қуйидагича бўлиши мумкин:

№	Ўрганиладиган мавзу ёки амалга ошириладиган иш	Ўрганиш манбаси	Ўрганиш ёки бажариш шакли	Ишни яқунлаш муддати	Ишни умумлаштириш шакли	Қаерда қандай фойдаланилади
---	--	-----------------	---------------------------	----------------------	-------------------------	-----------------------------

Шахсий ижодий режа асосида бажарилган ишлар махсус кундаликларга қайд этилиб, улар мазмун-моҳиятини қисқача ёзиб берилади.

Шахсий ижодий режа берилишларида қуйидаги манбалардан фойдаланилади:

- педагогик, психологик, услубий манбаа ва адабиётлар:
- илғор педагогик тажрибалар:
- мавзуга тегишли илмий-тадқиқот ишлари:
- Илмий-услубий тадбирлар (семинар гуруҳий маслаҳат, конференция, педагогик ўқиш) ва х.

Шахсий ижодий режада белгиланган ишларни амалга ошириш - ўқитувчининг ўз-ўзини назорат қилиш малакаси режасини тўлиқ бажарилиши ва ижобий фаолият самарадорлигини таъминлайди. Бундан ташқари ўқитувчининг мустақил фаолияти услубий хизмат тизими ходимлари (мактаб директори) ўқув-услубий ишлар (бўйича директор муовини, методбирлашма раҳбари, методистлар) томонидан ҳам назорат қилиниши ва мақсадга йўналтирилиши даркор. Бундай назоратда, аввало, ўқитувчига услубий ва амалий ёрдам бериш назарда тутилади.

Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаши учун, аввало ўзини атрофлича чуқур ўрганиши, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиши керак. Ўз-ўзини ўрганиш ва бошқа кишини англаш учун ҳам зарурдир. Бошқа ютуқларни ўрганмай, ўзини бошқалар билан қиёс қилмай туриб, ўзини шахс сифатида ўрганиш мумкин эмас. Ўзини англаш, ўзини баҳолаш хусусияти бошқа кишилар билан муносабат жараёнида, биргаликдаги фаолият вақтида таркиб топади.

Педагогик вазифаси-фақат иродавий фазилатлар доирасини кўрсатиб беришдан, уларнинг муҳим ахлоқий принциплари билан ички алоқасини очиб беришдан ташқари ўз иродасини ўзи тарбиялашга интилувчи ўқувчига ёрдам бериш, иродавий фазилатларни ривожлантиришнинг қандай усуллари кам самарадор ва қайси бирлари жиддий ёрдам бермаслигини кўрсатишдан иборатдир. Агар педагогик адабиётда таъриф-тасвирланаётган ёшлар кўллаётган содда ва ясама усулларга эътибор берадиган бўлсак, яна ҳам муҳимдир. Ўқувчилардан бири «сабр-тоқатини ривожлантириш» учун кинокомедия кўрсатилаётганда кулмасликка ҳаракат қилди, кимдир қўлини пичоқ билан кесди ва ҳақозо? Иродани мустақил тарбиялашнинг ана шу усуллари самарасизлиги энг аввало шундаки, ўспирин бир лаҳзалик «иродавий ҳатти-ҳаракат» ни амалга ошириб, ўзининг иродаси кучли эканлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқлай олади. Аслида эса иродани кундалик ҳаётда, ўқишда ва биринчи навбатда учрайдиган қийинчиликларни мунтазам равишда бартараф этишни ташкил этади. Бунинг устига меҳнат, ўқиш, спорт фаолиятининг ҳар бир дақиқаси иродани чиниқтириш учун

ўқув, меҳнат ва бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳалақит берадиган бир дақиқалик истакларни бартараф этиш учун шароит яратади.

Энг аввало ўқитувчи ўзида педагогик қобилиятнинг қандай хислатлари борлигини ўрганиши керак. Педагогик фаолиятга муҳаббати юксак ўқитувчи ишга чин кўнгилдан берилиб ишлайди, ҳеч қандай формализмга йўл қўймайди. Ўз касбини севган ўқитувчи доимий равишда ғоявий-сиёсий савиясини ошириш ва билим доирасини кенгайтиради, ўз предметини чуқур билиш устида қунт билан ишлайди.

Маълумки, инсоният камолотга чорловчи имкониятлари шунчалик кўпки, уларга эришиш мақсадлари интилишида сабр-тоқат билан ўз устида ишлаш орқали эришиши мумкинлигини тарихий фактларда кўрамиз.

Буюк немис педагоги Д. Дистерверг ҳар бир ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялашни ўз олдига шарафли вазифа қилиб белгилаши лозим.

Рус педагоги А.Б. Луначарский; «Педагог ўзида инсоният идеалини шакллантириши лозим» -деган эди.

Айнан инсониятнинг гўзал фазилатларини ўзида шакллантириш ҳар бир педагогнинг касбий таёргарлигининг пойдеворини ташкил этади. Ушбу пойдеворда педагогнинг касбий маҳорати ўз устида ишлаш туфайли кундан-кунга ўсиб бориши мумкин.

А.С. Макаренко касбий такомиллаштириш масаласида шундай деган эди. «Мен педагогик таълантга эга эдим. Педагогикага кутилмаганда кириб келдим ва ўргандим. Мен ўз ишимнинг устаси даражасида кўтарилдим Ўз ишимнинг устаси даражасига ҳар бир интилувчи педагог эришиши мумкин.» Бунда унга ёрдам бериши, ўзи устида ишлаш асосий роль ўйнайди.

Отто Юльевич Шимит умрининг ҳар бир дақиқасидан сермахсул фойдаланади. Ернинг ва сайёраларнинг пайдо бўлиши назариясининг асоси. У ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиб, инсон имкониятлари кенг эканлигини исботлади. А.А Любишев, шундай деган, инсон учун ёмон, бўш, ортиқча вақт бўлиши мумкин эмас. У ўз умрининг дақиқаларини онгли ҳолда ҳисоблашдан қўрқмас эди.

К.Д Ушинский ўз-ўзини тарбиялаш орқали қуйдагиларга эришди.

1) хотиржамлик 2) сўзда ишонч ва тўғрилиқка. 3) хатти-харакатга мулоҳаза билан ёндашиш 4) қатъийлик 5) ўзи ҳақида сабабсиз бирор оғиз гапирмаслик. 6.) лозим нарсалардангина фойдаланиш. 7) ҳар кун кечаси ўзига ўзи ҳисобот бериш. 8) бирор мартаба мақтанмаслик.

Шуни айтиш жоизки, кўплаб инсонлар ўзининг бебаҳо вақтини бекорга ўтказиб юборади.

Инсон ўз одатларнинг бир хиллик кун тартиби ҳукмронлиги таъсирига кириб, ўзининг режаларини кейинги кунга ёки ҳафтага ёки йилларга қолдира бошлайди. Ўз-ўзини ишонтириш, собит қадам ирода орқалигина ўзининг қобилиятларини намаён этишга эришиш мумкин. Ўзини тарбиялашнинг психологик шароитлардан бири ўз-ўзидан норозилик бўлиб, уни Л.Н. Толстой, «. . . Мен телба, ўзгаларга қизиғи йўқ, чидамсиз ва болалардек уятчанман».

1. Ўз-ўзини тарбиялаш ўз фаолиятини таҳлил қилишдан ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўқитувчи ўз устида ишлаши, ўз-ўзини тарбиялашда қуйдаги услублардан фойдаланади:

1. Ўз-ўзини билиш:

- а) ўзини кузатиш.
- б) ўз ҳаракатларини таҳлил этиши.
- в) ўз-ўзини синаши.
- г) ўртоқларининг фикрини тушуна олиш

2. Ўзига баҳо бериш:

- а) ўзини кузатиш.
- б) ўзига характеристика бериш.
- в) ўз-ўзини тақдирлаш.

Ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди. Ўз шахсий фазилатларини таҳлил қилишга, хатти-харакатларини ўйлашга ўргатади. Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб боришини кузатиб боради. Ўз-ўзини баҳолаш ўқитувчини, ўз имкониятларини баҳолашда, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаш билан бирга ўз устида тинмай ишлаб, ўзининг ғоявий-сиёсий онгини доимий равишда ўстириб ва педагогик маҳоратини такомиллаштириб боради.

М.И.Калинин ўқитувчиларга қарата шундай деган эди: «Ўқитувчи ўзини бутун куч-қувватини, имконини, ўзида бор ҳамма қимматбаҳо нарсаларни ўз ўқувчиларига, халққа беради. Аммо, ўртоқлар, агар сиз ўзингизда бор нарсаларнинг ҳаммасини бугун, эртага, индинга берсангиз-у, лекин ўзингизда бунда ўз билимларига, ўз кучингизга, ўз қувватингизга яна ва яна тўлдириб бормасангиз, у ҳолда ўзингизда ҳеч нарса қолмайдику, ахир. Ўқитувчи, бир томондан, ўзида борини беради, иккинчи томондан, худди губка каби ўзига халқдан, ҳаётдан, фандан ҳамма яхши нарсаларни олиб ҳазм қилади ва бу ҳамма яхши нарсаларни яна янгидан болаларга беради».

Илғор ўқитувчи ҳамма вақт педагогика соҳасидаги янгиликларни билишга интилади, бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларидан фойдаланишга ҳамда ўз шахсий тажрибаларидан фойдаланишга, ҳамда ўз шахсий тажрибаларини умумийлаштиришга ҳаракат қилади.

Агар шахс изланса, ўз қобилиятлари устида ишласа, ўзидаги яхши фазилатларни камол топирса, унинг обрўси, мавқеи ҳам шу даражада юксалади ва доимо эл назарида бўлади. Ўқитувчи ўзида кузатувчанликни, ғамхўрликни тарбиялаши лозим. Ўқитувчининг мустақил билим эгаллаши ва малакасини ошириши зарурий шартлардандир. Шарқ мутафаккирлари ўқитувчи ўзи ўқиб турсагина – ўқитувчи бўла олади, агар ўқишни тўхтатиб кўяр экан, унда ўқитувчилик ҳам ўлади, деб ҳаққоний айтганлар.

Ирода ва характери шакллантиришда ўз-ўзини тарбиялаш. Ўқитувчилик фаолиятида ўқитувчи характери муҳим аҳамият касб этади. Бунда ирода, ҳис-туйғуларини бошқариш катта аҳамият касб этади. Ўзини-ўзи тарбиялаш маълум натижаларга олиб келиши лозим. Бунда: ўзини идора эта олиш, яхши кайфият, ўзига буйруқ бериш, ишонтириш, шахсий режимга риоя қилиш ва ўз қондасига эга бўлиш.

Л.Н.Толстой ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги қоидаларга амал қилар эди. Нима белгиласа ҳеч нарсага қармай тезкорлик билан бажарар. Нимани бажарса яхши бажар. Доимо ақлий, ўз имконияти доираси асосида фаолият кўрсатишга ҳаракат қиларди.

В.Шекспир шундай ёзган эди. «Уйқу она табиатининг ғаройиб, ширин таомидир танаввул қилиш меъёрини билиш лозим».

Ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим усулларида бири. Масалан, А.Мересъев «Олға, олға чидаш керак!» . . .

У.Г.Шульц фаразига кўра ўз-ўзини тарбиялаш программаси (дастури):

1. Бир кунлик ёки ҳафталик иш режасини тузиш, уни бажариш;
2. Умидсизликка тушмаслик, камчиликларни бартараф этиш;
3. Ўзига, муваффақиятга ишониш;
4. «Мен ўзимга ишонаман», «Мен буни қилишни хоҳлайман»,

«Мен қила оламан» каби ўз-ўзини ишонтириш формуласини қўллаш.

Ўзини тарбиялаш:

- Жиддий, ўйлаб иш кўриш;
- Маъруза, семинар дарсларида эътиборсизликка берилмаслик;
- «Мен диққат билан эшитяпман», «Менинг диққат эътиборимда»

формуласини қўллаш.

- Ўз-ўзига буйруқ бериш. «Педагог фикрини кузатиб бориш лозим».
- Ўзига-ўзи ҳисобот бериш, кун ёки ҳафта якунини қилиш.

Ўзини тутиш: (ташқи кўриниш маданияти).

- а) тўғри.
- б) тўғри, эркин ўтириш.
- в) йиғилган, ишчан ҳолат.

Педагогик мулоқот маданияти.

1. Мулоқот жараёнида босиқ, самимийлик кайфиятида бўлиш.

- а) суҳбатдошни эшитиш маданияти.
- б) саволлар бера олиш.
- в) суҳбатдошни фикрини эшитиш ва таҳлил қила олиш.
- г) бошқалар билан илк муносабатни ўрнатиш малакаси.

- д) бошқаларни тушуниш малакаси.
- е) вазият жараёнида англай билиш малакаси.

2. Кўз орқали алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиш.

- а) сиз аудиторияга қараб дарс олиб боряпсизми?
- б) эшитувчиларнинг ҳолатини, таъсирчанлигини англаш, кўра билиш.

3. Ўз мулоқоти, ҳикояси билан қизиқтира олишнинг хусусиятлари:

а) Аудиторияда эркин маъруза ўқиш ёки таълим мазмунини конспект ёрдамисиз баён эта олиш хусусияти.

б) ташқи кўринишининг самимий мулоқатга ҳозирлигини ифодалай олиш ҳолати.

- в) Ўзининг муносабатини воқеликда акс эттириш.

Хулоса, маълумки, жамият тараққиётида таълим-тарбия, унинг мазмунини, мақсад вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир тузим ижтимоий-иқтисодий сиёсий тараққиёт ўз йўналишини белгилашда ёш авторга нимани ўқитиш керак? Қандай ўқитиш лозим? Кимлар ўқитиши керак? Каби саволлар жамият олдидаги кўндаланг кўйиладиган саволларга жавоб излаб келинган. Мазкур саволларга жавоб топиш, яъни таълимни янгилаш, унинг тизимини, мазмунини қайта қуриш, янги ҳолатга йўналтириш Республикамизнинг устивор йўналишларидан биридир. Албатта, бу йўналиш кенг қамровли, босқичма-босқич равишда амалга оширувчи жараёндир.

Ёшларда мустақил равишда билим олиш ва уни ҳаётга қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ахлоқ ва одобни яхшилаш зарурати талабалик даврида шаклланади.

Ёшларни талаба бўлганига қадар ота-онаси, мактаб ўқитувчилари, қариндош-уруғи, маҳалла-куй назорат қилиб борса, талаба бўлгандан кейин бу назорат сусайиб кетади. Бу ҳолатни талабанинг ўзи англаб етиши лозим, шундан кейин бошқарув назариясининг асосий тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини-ўзи тарбиялай бошлаши керак.

Ҳозирги кун ўқувчиларини замон талабига мос ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш билан бир қаторда таълимни уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу жамиятга ўз қарашлари шаклланган, кенг фикрга эга, ижодкор, қобилиятли, эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган давр талабига мос яшаш, меҳнат қиладиган, маданитли, одоб-иқромли, одамгарчилик хусусиятларга эга бўлган, жисмоний жиҳатдан баркамол ёшларни тарбиялаш талабини қўймоқда.

Дарс таълим-тарбия жараёнининг маркази ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мактабда дарсга алоҳида аҳамият қаратилади ва ўқитувчининг замон талабига мос дарс ўтиши талаб этилади. Узок даврлар мобойнида дарс дарс жараёнини ташкил этиш назарияси ишлаб чиқилган бўлсада, уни амалга оширишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, ўқувчининг ўзи мустақил равишда ишлаши, билимларни ўзи мустақил эгаллаб олиш қобилияти ҳали тўғри йўлга қўйилмаган, яъни, дидактик омиллар таъкидлаганидек «Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни беради, яхши ўқитувчи эса шу ҳақиқатни ўзи эгаллаб олиш йўлини кўрсатиб беради». Дарс кўпроқ ўқувчиларнинг мавжуд билимларини эгаллашга йўналтирилади.

Ташқаридан қараганда бу ёндашув тўғри бўлиб кўринсада, бу масала атрофлича таҳлил қилинганда асосан ташқи кўринишга эътибор қаратиб, ички тузилишида ўқувчиларнинг билим олиши, ўй-фикрлаш қобилияти ҳисобга олинмайди. Ўқитувчи ўзининг одига қўйган мақсадига эришиш учун ҳаракат қилади. Ўқувчиларнинг фаоллиги эътиборга олинади-да, бироқ амалга оширилмайди. Тўғри ташкил этилмаган дарс ўқувчиларнинг ўқиш-билиш фаоллигини назорат қилиш имкониятини ярата олмайди. Дарснинг боришидаги йўл қўйилаётган камчиликларни назарга олиб, кўпчилик дидактлар дарс боришини мустақил тузиб, ўқувчининг фаоллиги, топқирлиги, ижокорлигини тақиқламаслик зарур деб таъкидлашади. Дарснинг бориши унинг турига, мақсадига, мазмунига, болаларнинг имкониятига қараб ташкил этилиши шарт.

Жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар ўқиш методикасига назарий ва амалий жихатдан давр талабига мос дарсни ташкил қилишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам, таниқли олимлар билан методистлар, ижодкор ўқитувчилар бугунги дарс қандай бўлиши керак, у олдинги ўтилган дарсдан нимаси билан фарқ қилиш лозим деган саволга жавоб қидирмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни ҳам янгиланади, мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг сифатига, ўқув жараёнини ташкил этишга эътибор кучаяди. Дарсдаги таълим-тарбия ишидаги қуйидаги кўринишларни назарда тутиш ва уларни имкон қадар таълим жараёнига тадбиқ этиб боришимиз зарур.

Биринчидан, синфда мустақил (эркин) психологик муҳит, ўқитувчиларга ҳурмат-эҳтиром, ишонч ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш;

Иккинчидан, ўқув фаолиятининг олий мотивини келтириб чиқариш, фақат ўқувчиларга ўқув материалининг ахамиятинигина билдириб қолмасдан, уларга билим олишнинг ўқитувчи томонидан таклиф қилинган методларга эътиборни қаратиш;

Учинчидан ўқувчиларни билим олишини кафолатловчи ишончли метод ва усуллар билан таништириш.

Тўртинчидан, дарсни ўқувчиларнинг мустахкам, яхши билим олишга йўналтириш.

Бешинчидан, барча ўқувчиларнинг олий даражада билим олиб, (Д.Т.С. асосида) уни янги шароитда қўллай олиш имкониятларига шароит яратиш. Дарсда ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятининг тўғри хулосали ташкил эта олиш ва уларнинг ўз меҳнатининг меvasидан қаноатлана оладиган шароитлар яратиш.

Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян ҳолатда турсагина педагогик таъсир кўрсатишни муваффоқиятли амалга ошира олади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқитувчининг асосий йўл-йўриғидан ибрат бўлиб, у ўқувчиларнинг психологик ёш ҳусусиятларига монанд бўлди.

Турли ёшдаги ўқувчиларнинг муомиласига таъсир кўрсатиш субъекти бўлган ўқувчи тутган йўл ва маҳоратини умумлаштиришга тавсифни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. Қуйи синфларда ўқитувчи ташкилотчи бўлиб майдонга чиқади. Педагог кичик ёшдаги ўқувчилар ҳаётига таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни уни ташкил этиш зарурати билан белгиланади. Кичик ёшдаги ўқувчилар коллективларида талабчан ва қувноқ тарбиячи бўла оладиган болаларнинг фаол ижодкорлик билан тўла ҳаётни ташкил этиб, улар орасида ўзаро ҳайрихоҳлик ғамхўрлик вазиятини, завқли вазиятини вужудга келтира оладиган тарбиячилар катта обрў-эътибор қозонадилар. Болалар катта ёшдаги бундай кишиларни ўз дўстлари деб қабул қилишга мойилдирлар.

Ҳар томонлама гармоник ривожланган, жисмоний соғлом, маънавий етук комил инсонларни тарбиялашда ўқитувчининг роли беқиёсдир. Бу ҳақда юртбошимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли тарихий нутқларида алоҳида тўхталиб, айниқса мактаб ўқитувчилари олий маълумотли, ўз фанини чуқур биладиган, замонавий технологиялардан хабардор, кенг дунёқарашли, педагогик, ташкилотчилик қобилиятлари юқори, ижодкор шахслар бўлишлари зарурлигини таъкидлаган эдилар.

Ўқувчилардан мустақил фикрлашни ривожлантириш учун билимларни ўзлаштириш жараёнини маҳоратли ўқитувчи шундай ташкил этиш лозимки, бу жараён машқ қилиб қолмасдан, масалаларни мустақил ечиш қобилияти, мустақил фикрлаш ҳам машқ қилдириш лозим. Аввало фикрлашга ўргатишни саволни тўғри қўя олишдан бошлаш керак.

Тажрибали ўқитувчи ҳар доим ўқувчиларни муаммога, муаммоли вазиятларга олиб келади. Агар ўқувчи бир неча уринишлардан сўнг, ўқитувчининг айтиб беришини кутмасдан, бундай вазиятдан чиқиш йўлини мустақил топса, у ақлий тараққиётда катта қадам қўйган бўлади.

Тафаккурнинг олий даражаси ҳар доим ўз-ўзи билан баҳслаша олиш кўникмасида ифодаланади. Олий даражада фикрлайдиган инсон ҳар доим баҳслашишига тайёр бўлади. У ҳар доим барча қарама-қаршиликларни енга

олади, унга жавобан қарши фикрларни тайёрлаб қўяди. Ҳар бир умумий ҳақиқатни мустақил текшириб кўришга ўргатинг, ўқувчига умумий ҳақиқат билан ягона факт орасидаги қарама-қаршилиқни ҳал қилишга ёрдамлашинг. Ана шу усул билан ўқувчида фикрлаш кўникмасини ривожлантириш мумкин, фақат шу йўл билан мустақил фикрлайдиган, ғоявий чиниққан, кенг дунёқарашли, эътиқодли комил инсонларни тарбиялаш мумкин.

Хулоса, қилиб айтганда инсон ўзи бажара олмайдиган нарсаларни бошқаришга ўргата олмайди. Мактаб фикрлашга ўргатиши зарур, - бу эса ўқитувчининг ўзи фикрлашга ўрганиши зарурлигини англатади. Бу ҳол ҳозирги олий педагогик ўқув юртларда таҳсил олаётган талабаларни замонавий руҳда фикрлашга ўргатиш заруриятини англатади яни, таълим-тарбия бераётган бу устозлар олдига юксак маъсулиятни юклатади.

Ўқитувчилик касбига қадам қўйиш ниятида бўлган бўлажак педагог ўз-ўзига; шу касбни севаманми, дилимда бу ишга ҳавас ўти борми, мен болажонлик фазилатига эгаманми, бир умр ана шу ниҳоятда мураккаб, лекин шарафли касбнинг жозибали сеҳри билан яшай оламанми, деган саволларни ўзига бериб, қалбидан жавоб олмоғи лозим. Инсонни эл ҳурматиغا сазовор этувчи яхши фазилатлардан бири танланган касбида садоқат билан ишлай билишидир. Касбига кўникиш инсонни безовчи зийнат бўлибгина қолмай, ишини унумли ҳам қилади.

Ўқитувчи касбини севишидан ташқари, ўз фани бўйича чуқур, ёндош фанлар бўйича-кенг билимга эга бўлиши керак. Бола билимдон ўқитувчини севади. Ўқитувчи ўз билимини ўқувчиларга бера олиши, энг муҳими, уларда билимга қизиқиш уйғота билиши, дарс ёки маърузаларда талабани ўзи билан бирга фикрлашга ўргатиши лозим. Ўқитувчи ўз касбининг устаси бўлиши учун дарс ёки маърузалар давомида педагогик таъсир кўрсатиш усулларидадан фойдалана билиши ҳам зарур.

Зиё тарғиботчиси бўлган зиёкор ўқитувчи энг маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат унинг юриш-туришида, феъл атворида, кийинишида, оилади, иш жойида, одамлар билан муомала маданиятида, рўзғор юргизиш, жамоат жойларида ўзини тута олишлиги, нутқ маданияти кабиларда ўз

аксини топади. Бу фазилатлар ҳар бир олижаноб ўқитувчининг гўзал ички дунёсини ифодалайди. Ўқитувчи ўқувчи билан муомалада педагогик одобга риоя қилиши, ўзини тута билиши, шароитни ҳисобга олиб, таълим-тарбия усулини танлаши лозим. Зеро, ўқитувчи ёшларнинг дўсти ва йўл кўрсатувчи мураббийсидир.

Таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳотлар биринчи навбатда ўқитувчининг шахси билан боғлиқдир. Шунга кўра, аввало, ўқитувчи шахсини шакллантириш, уни таълим ва тарбиянинг самарали шакл ва методлари, воситалари асосида ҳар томонлама пухта билимли, юксак маданиятли инсон қилиб камол топтириши лозим. Булар ўқитувчининг касбий етукликка эришиши, ўз ишига ижодий ёндашишида катта роль ўйнайди.

Маълумки, ўқитувчининг юксак педагогик маҳоратни эгаллаши ғоят мураккаб жараён бўлиб, педагогика фанининг энг долзарб муаммолардан биридир. Ўқитувчи дастурга киритилган ва дарсликларда берилган материаллар билан чекланмай, ўрганиладиган мавзуга ёндош қўшимча материалларни билиши, ҳар бир мавзунини ўқишда унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам ҳисобга олиши ва ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унга етишиш йўллари билан белгилашда, яъни дарс режасини тузишда синфдаги ўқувчиларнинг билим-савиясини, мазкур фаннинг ютуқлари ва янгиликларига муносабатини, қолаверса, унинг ўзига хос хусусиятларини, кизиқиш ва дунёқарашларини ҳам назарда тутиша лозим.

Ўқитувчининг ҳар бир дарсни ўтказишини ҳақиқий санъаткор бирон бадиий образни мукамал яратишга қийинлашди мумкин. Истеъдодли актёр ҳам мукамал образ яратиши учун ўз ролини жуда кўп такрорлайди, уни сахнада намойиш этади. У ҳар гал шу образни характерининг қандайдир номаълум қирраларини топади ва уларни ҳар сафар сахнага чиққанда ўша образда мужассамлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам актёр бир ролни қайта-қайта ўйнаганда уни айнан такрорламайди, балки тобора мукамаллаштириб боради. Аслида ижодкор ўқитувчи ҳам мавзунини айнан такрорламаслиги, унинг қандайдир жиҳатларини бойитиб, такомиллаштириб

бориши лозим. Зеро, иждодий изланиш ҳар бир соҳада муваффақият гарови ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий такомиллашишини олимлар илмий–методик жиҳатдан шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

1. Мазмуний муаммолар, яъни ўқиётган фаннинг мазмуний компонентиға тегишли. Кўпчилик ўқитувчилар учун мазмуний муаммолар янги ва ҳали ўрганилмаган иш ҳисобланади. Авваллари ўқитувчи мазмунни белгилашға ҳаққи йўқ эди, ўқитувчилар ўз фанининг ўқитилишға доир муаммоларни ҳал этиш жараёнида фаол қатнашувчи ва ҳал қилувчи фикр субъекти ҳисобланади. Улар таълим мазмуниға доир баҳсларда қатнашдилар ва ўз тажрибаларида тегишли вариантларни синаб кўрадилар.

2. Коммуникатив муаммолар. Бу муаммолар гуманизм ва демократик ғояларға жавоб берувчи янги мулоқот усулининг шаклланиши билан боғлиқ. Ўқитувчи меҳнатнинг мураккаблиги ҳар бир ўқувчи кўнглиға йўл топиши ва ҳар бир шахсдаги имкониятларнинг ривожланишиға шароит ярата билишдадир. Энг муҳими, ўқувчининг ўзини шахс деб тушунишиға ўқитувчи ёрдам бериши зарур, ўзлигини, ҳаётни, дунёни идрок этишға эҳтиёж уйғотиш керак. Дарс таъсирчанлигини ошириш учун болалар билан муаммонинг турли усуллари кўллаб, қизиқтириб, ўйинға ўхшатиб, ғаройиб суҳбатлашиши лозим бўлади. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти аниқ педагогик вазифани бажаришға йўналтириши керак. Бунда: мақбул, яхлит, қулай ўқув муҳитини, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги онгли муносабатни ташкил этиш кўзда тутилади.

3. Услубий муаммолар. Ўқитувчи ўз шахсий имкониятларни кўрсата олишини таъминлаш учун ўқитиш қизиқарли, илмий жиҳатдан асосланган, иждодий жараён бўлиши керак.

Ана шу уч муаммони биргаликда ечиш жараёнида ўқитувчи юқори касбий маҳорат эгасиға айланади. Ўқитувчиларнинг иш мазмунини ўрганиш ва таҳлил этиш натижаларидан келиб чиқиб, ўқитувчининг касбий такомиллашувига доир қуйидаги гуруҳларға ажратиш мумкин:

1) Агар дарс шунчаки иш эмас – муомала, машғулот эмас – санъат, жадвалдаги соатлар эмас – ҳаёт деб қаралса, унда педагог ўз-ўзидан тез-тез дарсга нима учун бораётганлигини сўраб, болаларнинг олдига бораётганлигини қалбдан ҳис этиши лозим. 2) Дарс бериш – бу, инсон қалбига йўл топиш демакдир. Бунда сўздаги ахлоқийлик – ҳақиқат, амалдаги ахлоқийлик эса – адолатлигини билмоқ зарур. 3) Таҷрибали педагоглар дарсни қандай қилиб олиб боришларини кузатмоқ ва ўз дарсингизда уларнинг ижобий жиҳатларини кўлламоқни ўрганиш даркор. 4) Ўзингизни ва ўз қарашларингизни назарий баҳслар билан эмас, балки дарс билан тасдиқланг. Ўз йўлингиз билан боришдан қўқманг. 5) Ўқитувчи бутун маҳоратини ёрқин намоён қиладиган дарс бўлмайди. Ҳар биримиз қилаётган ишимизга қараганда мукамалроқ, кучлироқмиз ва бу – ҳали ишлатилмаган икмокониетимиздир. 6) Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир, ҳатто, кўп йиллаб чархланган дарс ҳам нимаси биландир янги, биринчидир. 7) Ўқитувчи ишига уқиувчилар берган баҳо энг мўътабар кимсаларнинг фикридан муҳимроқлигини доимо ёдда тутмоқ лозим.

2.2. Бошлангич синф ўқитувчисининг педагогик меҳнатини меъёрлаштириш

Педагогик маҳорат - бу ўқув жараёнининг барча шакллари энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни Шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, талабаларда (ўқувчиларда) дунёқараш, қобилиятни шакллантириш, уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишдир.

Педагогик мақсаднинг ўзига хослигини қуйидагиларда билиш мумкин:

1. Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, Яъни педагог фаолиятининг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар Шахсини ҳар томонлама камол топтиришга ёналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетма-кетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини, иккинчи авлодга ўтказди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш ёллари аниқ тасаввур қилиши ва бу мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга аниқ олиши зарур. Гёте таъкидлаганидек: «Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиши ҳам ўз-ўзидан келаверади».

3. Педагогик (таълим-тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш Шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни аниқлаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолиятини мантиқини ўқувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларини «ўсиб» унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;

- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндошиши;

- ўқувчилар қизиқишларини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш.

Педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади.

1. Инсон табиатнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг алоҳида хусусиятлари, рўй бераётган воқеаларнинг идрок қилиши ва уларга ўзича баҳо берадиган такрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир. У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий хулққа эга бўлган иштирокчиси ҳамдир.

2. Педагог доимо ўсиб-ўзгариб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндошишда бир хил қолип, шаклланиб қолган хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб қилади.

3. Ўқувчиларга педагогдан ташқари, атроф муҳит, ота-она, бошқа фан ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаёт ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вақтнинг ўзида жамики таъсирларга ва ўқувчиларнинг ўзида пайдо бўлган фикрларга тузатишлар киритиб боришни назарда тутаяди.

Ўқувчи шахсига доимо ижобий-ахлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина ҳақиқий тарбиячидир. Бунга эришиш учун педагог ўзининг ахлоқий сифатларини доимо такомиллаштириб бориши зарур.

Ўқувчиларни меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок этишлари тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳар бир моҳир педагог ўзининг индивидуал педагогик тизимига эга бўлиши керак.

Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун, аввало таълим-тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий ҳол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз ўқувчиларини турли ўқув фаолиятига жалб қилади. Шу билан бирга ўқувчиларни билим олишга

қизиқтиришда ўқитувчи томонидан танланган методлар, усуллар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир этади. Педагог фаолиятининг муваффақиятли кечиши унинг шахси, характери, ўқувчилар билан муомаласига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Одатда буларнинг таълим-тарбия жараёнига таъсири аҳамиятсиздек туюлади. Аммо тажрибали педагог, унинг хатти-ҳаракати ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатаётганлигига аҳамият бериб, унга керакли тузатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Шунинг учун ҳам педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларини мажмуи сифатида қаралиб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим.

Педагогик маҳорат яхлит тизим сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- педагог шахсини инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, қадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсад-баркамол авлод тарбиялаб этиштиришга йўналтирилганлиги;

- мутахассислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика-психологиядан мукамал билимга эга бўлиш;

- педагогик қобилиятга эга бўлиш (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш (юзидан ўқиб олиш));

- педагогик техникани эгаллаш, яъни ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни уйдлаш.

Педагогик маҳорат ўзига болалар ҳақидаги, уларнинг психологияси тўғрисидаги, мактаб ҳақидаги, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади, ўқитувчи, тарбиячи бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт ўз ишининг чинакам устаси бўла олмайди, ёмон, эски усулдан, бир қолипдаги тайёр андозаларни ишлатишдан нарига ўтмайди.

Бироқ, замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди - махсус билимлар ва малакалар-болаларни кузатиш, уларнинг ўсишдаги муҳим нарсаларни аниқлай олиш, уларни ривожлантириш йўллари ва усулларини аниқлаш, турли ўзаро таъсирини чуқур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир тизимга солиш малакалари зарур бўлади.

Шундай қилиб, педагог-муаллим ўз маҳоратига қуйидаги босқичларда эришиши мумкин:

1. Педагогика-психология фанларини чуқур ўрганиш;
2. Махсус фанлар, уларни ўқитилиш методикасини чуқур билиш;
3. Педагогик амалиётда фаол иштирок этиш ва уни самарали ўтказиш;
4. Ўз фаолиятини доимо таҳлил қилиб, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш;
5. Ўз устида мустақил ишлаш, малака ошириш курсларида ўқиб бориш.

Мустақил Ўзбекистонимизда ислохотлар тобора кенг қулоч ёймоқда Республикаимизнинг ижтимоий иқтисодий камолоти ёш авлоднинг сайи-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод болаларни келажақда қандай касб эгаллашларига қараб, Республика келажагини тасаввур қилса бўлади. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу маънода ёшларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ота-онанинг, ўқитувчи тарбиясининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларидир.

Ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йил сайи ортиб бормоқда. Айниқса, ислохотлар даврида бундай мураббийлар эл-юртга танилмоқда. Ўқитувчиларга "Методист ўқитувчи" "Катта ўқитувчи", "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвонлари берилмоқда. Халқимизнинг келажақдаги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига

тайёргарлиги, фидойилиги, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон давлатининг умумий таълим мактабида ишлайдиган ўқитувчи:-педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;

– Миллий маданият ва умуминсоний кадрларини, дунёвий билимларини мукамал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол.

- Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатда тараққий этишига ишонадиган, Ватанпарварлик бурчини тўғри англаган;

- Ихтисосга доир билимларини, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек назарий илмларни мукамаллаган;

- Ўқитувчилик касбини ва болаларни яхши кўрадиган;

- Эркин ва ижтимоий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг муҳим фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

2.3. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устивор мақсадимиз.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисида маъруза қилди.

Бу ўз навбатида жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлади.

Бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

“Иқтисодий, сиёсий гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳатларни амалга ошириш учун хаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларни қабул қилишни тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётганлиги жиддий камчилик ҳисобланади”⁴-деб танқидий фикр билдирди Республика Президенти И. Каримов.

Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атига 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиш соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози хали бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур.

⁴ И. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш- устивор мақсадимиз. “Халқ сўзи” 28 январь. 2010 йил №04.

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг хаёт даражасини янада юксалтириш, социал иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа, авваламбор, демократик ислоҳатларни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир.

“Баркамол авлод йили” давлат дастури мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизлари ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора тадбирларни амалга ошириш мавзусида қабул қилинди.

“Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни айниқса қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишига жалб этиш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш ишларини кучайтириш, илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратилади”-деб кўрсатилади “Баркамол авлод йили”-давлат дастурида.⁵

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёхвандлик иллатларидан бошқа турли халокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан тубан “оммавий маданият” хурушларидан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилади.

⁵ “Баркамол авлод йили” дастури. “Халқ сўзи” №04. Тошкент. 2010 йил.

3. БОБ. “Педагогик меҳнат даражасини аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш”

Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланиш динамикаси ҳамда унга оид тажриба-синов ишлари таҳлил ёритилган.

Кузатиш, суҳбат таҳлилининг кўрсатишича, 30,4 фоиз талаб ўзининг касбий фаолиятини мустақил равишда таҳлил эта олади ҳамда бу масалада ўзининг курсдошларига ёрдам қилишда ёрдамга мухтож эканликларини билдиришди. Сўровномага кўра талабаларнинг қайд этишларича, уларнинг 26,7 фоизи эса, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган ва 8,1 фоизи бу ишга бефарқ қараганликлари маълум бўлди. Қисман талабалар эса, ўз тажрибаларини кундаликларига қайд этиб боришлари аниқланди. Аммо бу ҳолатлар касб маҳоратини эгаллаш йўлидаги фаолликни тўлиғича ўзида акс эттира олмайди.

Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсининг шаклланиш динамикасини ўрганишда умумпедагогик кўникмалар, жумладан, талабанинг касбий ўз-ўзини таҳлил қилиш кўникмасининг шаклланиб бориши қуйидаги босқичларда кечиши аниқланди.

Биринчи босқичда талаба психология ва педагогик туркум фанларининг ўқитувчи меҳнатига, педагогик фаолиятнинг компонентлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда мутаносиблигига доир янги билимлар ва ғоялар билан танишади. Педагогик ғояларнинг миллий мафкурамизнинг таркибий қисмида ривожланишини ўрганади.

Иккинчи босқичда талаба ўз педагогик фаолиятини таҳлил қила олиш кўникмаларини ўзлаштиради, бунинг учун у педагогик фаолиятни таҳлил қилиш методикасини ҳисобга олган ҳолда ўз тажрибасини шакллантириб боради. Ўзининг касбий фаолиятини ўзи баҳолай бошлайди, дастлабки фикр-мулоҳазаларини эркин билдира олади.

Учинчи босқичда талаба маҳоратли ўқитувчиларнинг дарсларини кузатади. “Очиқ дарс”ларда иштирок этади. Кузатув натижаларини педагогик-психологик таҳлил этади. Якуний хулоса чиқариш, тегишли тавсиялар бериш имкониятига эга бўлади.

Тўртинчи босқичда талаба ўзининг ижодий меҳнати эвазига ўзлаштирган, ўз эътиқодига айланиб бораётган кўникмаларни янада мустаҳкамлайди, ўзи касбий ахлоқий мулкнинг қадрига ета бошлайди.

Бундай динамик босқичлар жараёнида талабада аналитик тафаккурининг ўсганлиги, бўлажак ўқитувчи сифатида унинг ижтимоий фаол муносабатлари мазмунан янада бойиганлиги, ўз касбининг янги қирраларини эгаллаш сари интилишларнинг шаклланганлиги аниқланди.

Бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллигини Камолот ёшлар ижтимоий харакати билан уйғунлашиб кетганлиги Наманган давлат университети фаолиятида ўтказган тажриба-синов ишларимизнинг қуйидаги натижаларида ўз эътирофини топди. Буни биз жадвал кўринишида қуйидагича ифодаладик (2-жадвал).

Ижтимоий-ижодий фаолликнинг кўрсаткичлари

(жами: 360 нафар, шундан 180 нафари назорат гуруҳи, 180 нафари тажриба-синов гуруҳи).

№	Ижтимоий-ижодий фаоллик кўрсаткичлари	2008-2009 ўқув йили		2009-2010 ўқув йили	
		Назорат гуруҳи	Тажриба-синов гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба-синов гуруҳи
1	Мулоқотга кириша олиш	76	107	93	148
2	Муносабат ўрната олиш	95	130	112	143
3	Ташкилотчилик	104	147	128	146
4	Ижодкорлик	85	108	96	118
5	Сафарбарлик	96	112	114	130
	Педагогик маҳорат элементлари	61	74	66	87

Кўрсаткичлар орасида ижодкорлик ва педагогик маҳорат элементларининг шаклланиши бир мунча мураккаб ва узлуксиз меҳнат қилишни талаб этадиган жараён эканлиги кўриниб турибди. Аввалги 5 та кўрсаткичнинг синтезида педагогик маҳорат элементларининг шаклланиши олдинги параграфларда кўриб ўтилганидек, касбга қизиқиш, болажонлик, билимдонлик ва бошқа кўплаб қобилиятларнинг уйғун ифодасини талаб этади.

Айниқса, ўқувчи ёшларнинг оромгоҳларда дам олиши, харбий-ватанпарварлик тарбияси, оила тиббий маданиятини ошириш, хотин-қизлар фаолиятини яхшилаш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш каби маънавий-маърифий ишлар бўйича илғор педагогик тажрибалар қўлга киритилган.

Тажриба-синов ишининг математик-статистик методлар асосидаги таҳлили қуйидаги тартибда олиб борилди.

Тадқиқот ишларини статистик таҳлил қилиш жараёнида у ёки бу фараз (гипотеза)ни текшириш учун кузатишлар ёки махсус тажрибалар ўтказиш йўли билан аниқ маълумотлар олинди ва ушбу фаразни қабул қилиш, яъни унинг тўлалигини тан олиш учун етарли асос бўлиши мумкин.

Ўтказилган кузатиш ва тажриба-синов ишлари натижалари асосида қуйидагича хулосалар қилинди ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

3.1. Педагогик ижодкорликни ривожлантириш

Президентимиз И. А. Каримов статистик маълумотлар асосида XXI аср арафасида аҳолининг, асосан юқори меҳнат фаоллиги билан ажралиб турадиган 30-49 ёшли одамлар ташкил этиши хусусида фикрларни баён этар экан, “Одамлар таълим даражасининг юқорилиги меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятидир” дея таъкидлаб, билимдон, ўз касбининг устаси бўлган фидоий ёшлар сулоласини тарбиялаш ишининг нақадар долзарблигини уқтиради.

Мустақиллик руҳияти, янгича иқтисодий ҳамда ижтимоий тасаввурларга эга бўлган ёшлар тобора бозор иқтисодиёти тушунчалари асосида фикрлаб, ана шу тушунчаларни кундалик турмушларига сингдириб бормоқдалар. Лекин янгича муносабатлар психологияси, меҳнатга, касб-корга янгича қараш ўз-ўзидан, стихияли тарзда шаклланавермайди. У, бир томондан, мақсадга қаратилган, режалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг билвосита маҳсули бўлса, иккинчи томондан, табиий заковат, зеҳн, лаёқат ва оилавий муҳитнинг бевосита маҳсулидир. Демократик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида камол топиб келаётган ёшларнинг аниқ мақсадли профессионал йўналиш ва билимдонлиги нафақат унинг шахсий камолоти, балки жамият тараққиётининг ҳам кафолатларидан биридир. Шунинг учун ҳам Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида” рисоласида : “Ҳар бир кишининг тақдири кўп жиҳатдан унинг касб маҳорати, маънавий эътиқоди, жўшқин ўзгариб бораётган янги муҳитга мослаша билиш қобилияти билан белгиланади”, деб уқтирган эдилар.

Дарҳақиқат, давр биздан шунчаки, университет ёки бошқа турдаги таълим муассасаларининг дипломига эга бўлган кадрларни эмас, балки мустақил фикрловчи, ўз халқи, Ватани манфаати йўлида фидокор, ўз касби-кори бўйича юксак профессионал малакага эга бўлган шахсларни тарбиялашни кутмоқда. Ушбу талаб доирасида Наманган давлат университетида “Мутахассислар тайёрлаш жараёнида касбий маҳорат

асосларини шакллантириш” деб номланган комплекс илмий мавзу доирасида қатор изланишлар бошландики, унда педагоглар билан бир қаторда психологлар, социологлар ҳамда конкрет мутахассисликлар бўйича ўз касбининг усталари иштирок этмоқдалар. Илмий изланишлардан кўзланган асосий мақсад, аввало мустақил давлатчилик шароитида устивор бўлган касб-хунарларнинг илмий асосларига таянган ҳолда уларга мос келадиган профессионал малака, кўникмалар ва қобилиятларнинг давр руҳига тўғри келадиган хусусиятларини аниқ фан методлари воситасида ўрганиш, профессионал маҳорат ривожланишининг объектив ва субъектив омил ва шарт-шароитларларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахсда зарур касбий фазилатларни тарбиялаш, миллий қадриятларимизга таянган ҳолда амалда ушбу муносабатлар қонуниятларини нафақат конкрет хунармандчилик соҳаларида, балки профессионал тайёргарлик амалга ошириладиган ўқув масканларида ҳам жорий этиш режаларини амалга оширишдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда демократик давлат қуриш манфаатларига мос келадиган барча касб-хунар турларига, хусусан, малакали иқтисодчи, ҳуқуқшунос, компьютер техникаси программистлари, социолог, психолог, моҳир тиббиёт ходими каби қатор касб эгаларига эҳтиёж кун сайин кўпайиб бормоқда ва табиийки, жамиятнинг улар профессионал заковати ва қобилиятига нисбатан қўяётган талаблари ҳам ортиб бормоқда. Барча турдаги хунар эгаларидан ташаббускорлик, омилкорлик, маҳорат, рақобатбардошлилик, билимдонлик, давр талабларига мослаша олиш каби умумий сифатлар талаб қилинмоқда. Шу ўринда маҳорат, аниқроғи, профессионал маҳорат тушунчасини илмий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Чунки гап шахснинг бирор бир муайян фаолият соҳасидаги ютуқлари ёки камчилиги ҳақида кетганда, “қобилият”, “истеъдод”, “маҳорат”, “усталик” тушунчалари ишлатилади. Маълумки, қобилият-бу шундай психологик имкониятлар мажмуиқи, муайян шароитда унда шахсдаги билим, малака ва кўникмалар амалга ошади ва муваффақиятли уйғунлашади. Шунинг учун ҳам билимли одамни ҳар доим

ҳам қобилиятли деб бўлмайди, яъни шахсда билим, малака ва кўникмаларнинг мавжудлиги ҳали унинг қобилияти даражаси ҳақида фикр юритишга имкон бермайди. Муайян иш-фаолият шароитида рўёбга чиқиб, намоён бўладиган билим, кўникма ва малака-қобилиятларнинг кўрсаткичидир. Истеъдод эса маҳоратнинг дастлабки шартли бўлиб, у ҳам ҳали маҳоратнинг асло ўзи эмас. Яъни муайян ҳунар ёки профессионал иш соҳасида моҳир-уста-маҳоратли бўлиб етишиш шахсда у ёки бу меҳнат соҳасида сурункали ижодий кўтаринкиликнинг бўлиши ва бу ҳолат шахсий фазилатларда ифодаланиши зарурдир. Ижодий кўтаринкилик ўз навбатида диққатнинг кучли барқарорлиги, илмий ижодий ва техник ижодкорликда қандайдир муҳим муаммони ҳал этишда хотира кучи, мазмуни, тасаввурлар майдони, фаросат ва тафаккур жараёнларининг тўлиқ сафарбар этилишини тоқозо этади. Психологик тадқиқотларда аниқланишича, агар истеъдод имконият бўлса, у ҳолда маҳорат ҳақиқатга айланган имкониятдир. Маҳоратли шахс ёки касб эгаси одатда нимани қилиш ва қандай қилиш керак деган муаммони бир вақтнинг ўзида муваффақиятли ҳал этади. Шундан келиб чиқиб, биз ҳар бир бўлажак касб эгасида шаклланиши зарур бўлган мотивлардан маълум соҳада ўзининг ижобий, афзал томонларини намойиш этиш истаги, ўзи ишининг маҳоратли устаси бўлишга интилиш, касбидан фахрланиш ва қониқиш ҳиссининг мавжудлиги, ҳамда ушбу касбнинг ўзига шахсан ва жамиятга қандай наф келтиришини аниқ тасаввур қилиш эканлигини аниқладик, яъни олийгоҳ талабаларини келажак касбига тайёрлаш дастурининг муҳим марказий бўлаги-уларни профессионал маҳорат сари интиштириш мотивларини ва унга зарур профессионал сифатларни тарбиялашдир.

Олиб борилган изланишлар ва назарий таҳлиллар асосида биз мутахассис касб маҳоратининг асослари тизимини аниқладик. (1-жадвал).

Жадвалда келтирилган маҳоратнинг психопедагогик асослари аслида яхлит қобилиятлар мажмуи бўлиб, унинг таркибий қисмлари ўзаро боғлиқдир. Ҳар бир алоҳида касб-ҳунар соҳасида профессионал маҳоратнинг ўзига хос жиҳатлари борлиги табиийдир. Масалан, педагогик

маҳорат асослари шахснинг ўз предметини чуқур ва мукамал билиши билан бир қаторда, уни дидактик нуқтаи назардан ҳар бир ўқувчи онгига етказа олиш ва болаларга чексиз муҳаббат, улар индивидуал ривожланиш қонунларини аниқ билишларига таянса, шифокорлик маҳорати ўз соҳасидаги чуқур билимлар билан бир қаторда конструктив, коммуникатив ҳамда профессионал фантазиянинг объектив сифатларига, мантиққа ҳамда шахснинг инсоний фазилатлари мажмуининг мавжудлиги-раҳм-шафқат, меҳрибонлик, холисона ёрдамга тайёрлик, эмпатиянинг кучи ва хоқозога асосланади.

МУТАХАССИС КАСБ МАҲОРАТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТИЗИМИ.

1-жадвал.

Шахснинг проф. йўналиши	Профессионал йўналиш	Профессионал қобилият, малака ва кўникмалар (тажриба)	Қўшимча тадбиқий қобилиятлар
1.Касбий қизиқиш ва унга ижобий муносабат	1.Маҳсус билимлар. 2. Турдош касб-хунарга оид билимлар	1.Академик қобилият. 2. Ташкилотчилик 3.Ўз-ўзини бошқариш	1.Техник маҳорат. 2.Жисмоний баркамоллик
2.Профессонал фаолиятнинг ижтимоий мотивлари 3.Касб-хунарни билишга йўналганлик. 4. Профессионал зарур шахс фазилатлари 5. Профессионал	3.Ижтимоий-гуманитар фанлар 4. Чет тилларни билиш	4.Конструктив қобилият 5.Коммуникатив қобилиятлар. 6.Профессионал ҳаёл-фантазиянинг предметлашганлиги 7. Фаросат, мантиқ	3. Профессионал ижодкорлик 4.Кундалик ҳаётда зарур бўлган малакалар

дунёқарашнинг кенглиги			
---------------------------	--	--	--

Профессионал маҳорат мутахассис тажрибасида бирданига шаклландиган қобилиятлар даражаси бўлмай, унинг ўз шаклланиш ва тараққиёт босқичлари мавжуддир. Биз унинг, асосан тўрт босқичли тараққиёт жараёнини ўргандик.

1-босқич: профессионал ўз-ўзини аниқлаш босқичи деб аталаиб, у ўрта мактабларнинг юқори синфлари-ўспиринлик ёшига тўғри келади. Бу босқичда асосан бўлғуси касб эгаси ўзи қизиққан ҳунарнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини, ўз қобилиятлари ҳамда ўзини ўраб турган ижтимоий муҳит доирасидаги аҳамиятини англаган ҳолда, касбига оид тушунча ва тасаввурларга эга бўлади. Айнан шу тасаввурлар ва ҳаётий йўналганлик болани бўлғуси касбига тайёргарлашнинг асосий мезони ва мотивлари ролини ўйнайди. Тараққиётнинг шу даврида ёшлардаги ўзидаги афзал сифат-имкониятларни намоён қилишга интилишларни профессионал йўналганликнинг мотивидир, деб ҳисоблаш мумкин.

2-босқич: профессионал таълим ва тарбия босқичи. У мақсадли дастурлар доирасида махсус шароитларда турли тоифадаги ўқув масканларида маҳоратли устоз-тарбиячилар (усталар) таъсирида амалга оширилади.

3-босқич: касбга профессионал мослашув бўлиб, унда касб-ҳунар ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар актуаллашади, яъни ёш мутахассис ўзи танлаган касби сир-асрорларини амалиётда бевосита синайди. Бу босқич маҳоратининг шаклланишида муҳим бўлиб, унда ҳам ташқи тайзиқ ва устозларнинг роли ва таъсири кучли бўлади.

4-босқич: профессионал камолот босқичи бўлиб, унда шахснинг ўзи, ўзи орттираётган ҳаётий тажриба муҳим роль ўйнайди. Бу босқичда табиий лаёқат, касбий интилиш, малака ва кўникмаларнинг айнан касб мақсадларига мослиги аҳамиятга эга бўлади.

Ўз касбининг устаси бўлишга интилиш мотивининг борлиги профессионал маҳоратнинг муҳим ўзаги бўлиб, бу мотив шахс касбий йўналишини ойдинлаштиради, зарур сифатларнинг шаклланишига сабаб бўлади, профессионал билимларнинг такомиллашуви, уларнинг истеъдод даражасига кўтарилиб, касбининг турли қирраларини ҳам интеллектуал, ҳам интуитив (профессионал фантазия) тарзда ўзгаларга ҳам ўргатиш малакасини ҳосил қилади. Шулардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқотларимизнинг дастлабки босқичида маҳорат шаклланишининг учинчи ҳамда тўртинчи босқичларига хос хусусиятларни эмпирик йўл билан ўргандик. Бунда ўз касби-кори соҳасида маълум ютуқларга эришган шахсий профессионал тажрибага эга бўлган усталар ва мутахассислар билан суҳбатлашдик. Бу сўроқ ва суҳбатларда 114 мутахассис иштирок этди.

Касбга оид ижтимоий тасаввурларни ўрганиш мақсадида “Ўз касбининг устаси деганда нимани тушунасиз?” деган савол билан моҳир хунараманд, зиёли олимлар, олий тоифали врач ва ўқитувчиларга мурожаат қилиб, биз қуйидаги натижаларни қўлга киритдик. Усталар фикрига кўра, маҳоратлилик, энг аввало, ахлоқий поклик, инсонийлик тушунчалари билан уйғунлиги маълум бўлди. Қолган сифатлар зарурият даражаси нуқтаи назаридан кетма-кет ажратилганда, қуйидаги қатор пайдо бўлди:

1. Ўз касбининг сир-асрорларини тўлиқ билиш (93 %).
2. Шогирдларнинг бўлиши (81 %).
3. Талабчанлик, ўзига ва ўзгаларга нисбатан интизомлилик (77 %).
4. Ғамхўрлик, меҳрибонлик (75 %).
5. Ўқимишлилик, билимдонлик, туғма лаёқатнинг бўлиши (67 %).
6. Одамлар билан муросасозлик, мулоқотдаги усталик (65 %).
7. Меҳнатсеварлик, тиришқоқлик (55 %).
8. Омилкорлик, оқиллик, тадбиркорлик (53 %).
9. Ижодкорлик, ташаббускорлик, янгилик ҳисси (49 %).
10. Қўшимча хунарни борлиги (40 %).

Демак, сифатлар рейтингидан кўриниб турибдики, уста бўлиш учун, аввало, кишида ўз ишининг бутун сирларини билиш, уни шогирдлари билан

ўртоқлашиш, билдириш, ички ва шахслараро муносабатларда интизомлилик каби қатор сифатлар бўлиши лозим экан. Шулар асосида биз яна “уста-шоғрид” тизимига хос психологик қонуниятларни аниқлаш мақсадида уста-шоғирд муносабатлари қандай тамойилларда амалга оширилишини сўровларда ўргандик. Бунда, биз, асосан, халқ орасида “уста” номини олган мутахассислар, хунармандлар (нонвойлар, косиблар, заргарлар, ўқитувчилар) билан суҳбатлашдик. Суҳбат чоғида эътиборни иккита асосий нарсага қаратдик. 1. Устанинг шоғирд танлаш мезонлари ва шоғирдларга кўядиган талаблари. 2. Шоғридларнинг уста билан мулоқот даврида зарур бўладиган шахсий сифатлари. Аниқланишича, усталар, аввало, ўз шоғридлари иқтидорини ўзига хос мезонлар асосида аниқлашар экан. Бунда у ёки бу хунарнинг фаолият мезонлари ва у талаб қиладиган сифатлар (куч, эпчиллик, сабр-қаноатлилик, меҳнатсеварлик, мантиқлилик, тафаккур ва хоқозо) бўйича ўзига хос синовдан ўтказилади. Устанинг шоғрид олдида кўядиган асосий талабларига, аввало, талабчанлик, бир-бирини тушуниш, ўз вақтида берилган топшириқларни сўзсиз бажариш, ирода, фидойилик, сабр-қаноат, ахлоқий сифатлар (хушмуомалалик, гапни бўлмаслик, ўзаро ҳурмат ва бошқалар) нинг мужассамлиги киради. Барча усталар, моҳир касб эгалари учун умумий ва ўзига хос сифатлар ўрганилганда, умумий сифатлар қаторида қуйидагилар қайд этилди: инсонийлик, келажакни кўра билиш-режалилик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, талабчанлик, ўз-ўзини тузатиш (корреция), ўзгалар билан тил топишиш, юмор ҳиссининг мавжудлиги, нутқий маҳорат, ғамхўрлик, ўзини ва ўзгаларни интизомга чақира олиш ва хоқозолар. Лекин алоҳида касб эгаси-маҳоратли мутахассисда яна бир қатор ўзига хос сифатлар бўлиши даркор. Масалан, иқтисодчида тежамлилик, тадбиркорлик, иқтисодий тафаккур, ҳисоб-китоблилик, асосланган таваккалчилик ва хоқозо; тиббиёт ҳодимида инсон руҳий ҳолатини тушуниш, сабр-қаноат, босиқлик, сир сақлаш қобилияти, турли тоифали одамлар кўнглига йўл топа билиш, ҳамдардлик ва хоқозо; ҳуқуқшуноса-қонунбузарликка мурасасизлик, совуққонлик, деталлаштирилган тафаккур, ҳуқуқий маданиятнинг кучлилиги, адолат,

ҳаққонийлик, масъулият ҳиссининг доимийлиги; психологда-самимийлик ва одамийлик, шахс индивидуаллигига чексиз ҳурмат ҳисси, эмпатиянинг зўрлиги, мулоқотга киришувчанлик, ўз-ўзини бошқара олиш, ўзга бўла олиш санъати, юмор ҳисси, сир сақлаш қобилияти ва бошқалар.

Биз суҳбат ва сўровлар натижаларини умумлаштириб, маҳоратли мутахассисларга хос психологик фазилатларнинг умумий жиҳатларини аниқладик.: бу-ақл интеллектнинг эгилувчанлиги, тасаввур ва фантазиялар майдонининг мавжудлиги ва сермазмунлиги, ирода кучи, қизиқишларнинг аниқ йўналганлиги, зийраклик, ўзини ишга сафарбар қила олиш қобилияти, ишга масъул ва жиддий муносабат, ўз-ўзини интизомга чақира олиш кабилардир. Айниқса, касбий маҳорат тафаккур ва ақл сифатларининг ўзига хос ривожланганлигини талаб қилади, у фикрлаш жараёнининг тезлиги, маълум тизимда эканлиги, таҳлил ва умумлаштириш имкониятларининг кўплиги, ҳаёт-фаолиятнинг маҳсулдорлиги билан характерланади.

Юқорида аниқланган сифатлар ва дастлабки илмий таҳлиллар университетда ташкил этилган “Педагогика-психология” кафедрасининг ишчи ўқув режалари ҳамда “Истеъдод психологияси ва психофизиологияси” илмий-амалий лоботориясининг илмий-тадқиқот дастурларига асос қилиб олинди. Чунки кафедра ва лоботориянинг бош мақсади-касб маҳорати сир-асрорларини илмий жиҳатдан талқин қилган ҳолда заковат куртаклари ва касбга мойилликни аниқ фан методлари (интеллект ва шахс тестлари, профессиограммалар ва хокозо) ёрдамида аниқлаш ва бўлғуси мутахассисларда зарур билим, малака ҳамда кўникмалар билан бир қаторда касбий фазилатларни ҳам тарбиялашдир. Демак, ихтисослик педагогикаси ва ушбу предметнинг мантиқий давоми сифатида ўқитиладиган касб маҳоратининг психологик-педагогик асослари ўз дастури доирасида, илмий-амалий тамойилларга таянган ҳолда университетдаги нафақат амалда қўлланилаётган ўқув режаларидаги, балки кўшимча равишда киритиладиган маъруза ва амалий машғулотларни ҳар бир ихтисосликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ташкил этади. Унда XXI аср мутахассисликларининг моҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг энг

демократик, фаол усулларидан фойдаланиш, касб ҳақидаги тасаввурларнинг муштарак шаклланиши ва истиқболдаги фаолиятга ҳар бир ёшнинг психологик тайёр бўлиши назарда тутилган.

Илмий-назарий таҳлиллар ҳамда ўтказилган дастлабки тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

1) Касб маҳорати мураккаб ва кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркибига барча мутахассисликлар учун умумий ҳисобланган ва ҳар бир ихтисослик учунгина хос бўлган хусусий сифатлар мажмуаси киради. Касбий маҳоратни шакллантиришнинг ҳар бир босқичида тарбиявий жараённинг объекти ва субъекти учун ўзига хос талаб ва кутишлар тизими мавжуд бўлади.

2) Касб маҳоратининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни узлуксиз характерга эга бўлиб, ҳар бир босқичнинг ўз мақсад, вазифалари, маҳоратга эришиш йўл-йўриқлари ва усуллари мавжуд бўлади. Мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия босқичида профессионал маҳорат шаклланишининг ўзига хос усул ва шакллари бўладиги, олий ўқув юртларида талабаларни бўлғуси касбига тавйёрлашда ўқитишнинг энг самарали усуллари қаторида “Устоз-шогирд” муносабатларидан келиб чиқадиган мулоқот тамойиллари ҳам жорий этилиши лозим;

3) Касб маҳорати шаклланишининг ўз шарт-шароитлари бўлиб, уларга аввало: а) моддий техника базасининг мавжудлиги, ўқитишнинг ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадорлиги, амалиётларни ташкил этишнинг мақбул усуллари танлаш; б) ҳар бир касб-ҳунарнинг профессиограммасига кўра, ҳар бир мутахассисликнинг ўзига хос модели асосида таълим-тарбия жараёнини қайта қуриш; в) бўлғуси мутахассиснинг конкрет лаёқати, иқтидорини ҳисобга олиб, уни ўқитишнинг дастлабки босқичларидаёқ устозларга бириктириш тажрибасини амалда қўллаш; г) ҳар бир шахснинг ўз профессионал камолоти даражасига кўра, зарур сифат ва интилишларни шахсий манфаатдорлик ва жамиятга фидойилик мотивлари асосида тарбиялашга эришиш, мажбурият ҳиссини профессионал тайёргарликнинг дастлабки босқичидаёқ тарбиялаш; д) устоз ва шогирдлар

муносабатларини ҳамкорлик педагогикаси ва психологияси қонуниятларига таянган ҳолда ташкил этиш, зарур коммуникатив сифатларни энг фаол усуллар (тренинглар) ёрдамида мақсадга мувофиқ тарзда шакллантириш; е) республика миқёсида касбий профессиограммаларнинг ягона моделларини тузишга эришиш киради.

Ижодий фаоллик ҳақида гап кетганда, аввало, ижодкорликнинг моҳиятини англамоқ зарур. Тафаккур ва фаолиятнинг изланиш якуни бўлган янгиликнинг яратилишида олдинги тажрибалардан ҳам кенг фойдаланади.

Инсон олдида тайёр ечилиш қондасига эга бўлмаган масала турганда ижодкорликка эҳтиёж пайдо бўлади. Таълим – тарбия жараёни ана шундай хусусиятга эгадирки, уни ечиш ўқитувчининг маҳоратига, масалага ижодий ёндоша билишига боғлиқ.

Педагогикада икки хил ижодкорлик мавжуд: илмий ижодкорлик ва амалий ижодкорлик. Илмий ижодкорликда таълим ва тарбияда илгари бўлмаган қонуниятлар аниқланади, юқори самарали назариялар ва методикалар яратилади, уларнинг ривожланиш истиқболлари белгиланади.

Ўқитувчи амалий фаолиятда ишлаганда баъзи бир муаммоларни ечишга ностандарт ёндашади, ўқитишнинг янги усул, йўл ва воситаларини кўллайди ёки бор тажрибаларидан ижодий фойдаланади. Амалий фаолиятдаги ижодкорликнинг юқори даражаси ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг принципиал ва янги юқори самарали мажмуасини яратишдир. Маориф раҳбар ходимлари ўқитувчилар фаолиятидаги ана шундай томонларни кўра билишлари ва ҳар томонлама рағбатлантиришлари лозим. Шундагина ўқитувчиларнинг ижодий ишга йўллаш мумкин. Лекин бунда одатдаги педагогик ишлардан ҳақиқий педагогик ижодкорликни фарқ қила билиш лозим. Педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ҳам кўпинча ўз ишларида муваффақиятларга эришадилар. Улар турли кўрсатмали қуроллар тайёрлайдилар, педагогик ишини яхши ташкил эта оладилар. Ўқитувчиларнинг ўзлаштириш даражалари ҳам ёмон бўлмайди. Лекин бу ҳар бир ўқитувчи интилиши, бажариши лозим бўлган одатдаги иш.

Педагогик ижодкорлик деганда ўқитувчиларни анархияга олиб келадиган ортиқча эркинликни ҳам тушунмаслик лозим. Ўқитувчилар фаолиятидаги баъзи бир камчиликларни, яъни ўз устида ишламаслик, методик ғўрлик кабиларни ҳам «ижодкорликка» қўймаслик лозим.

Ўқитувчи агар ижодкор бўлса, таълим – тарбиявий ишни ташкил этишда ностандарт йўлдан боради. Яъни у ишни одатдаги ишдан бошқачароқ ташкил қилади. Педагогик ижодкорлик ҳақида гап кетганда ҳар қандай ҳаёлий тузилган лойиҳаларни ҳақиқий ижодкорликдан фарқ қила билмоқ зарур. Чунки бундай ҳаёлпарастлар илмий асосларга эга бўлмаган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ғояларни ижодий деб тиқиштиришлари мумкин. Ўқитувчи ўз билимини ўқувчиларга бера билиши, энг муҳим, уларда билимга қизиқиш уйғотиши, мустақил ўқиш кўникмаларини тарбиялаш ва бу борада бола фаолиятини ташкил этаишга раҳбарлик қилиши керак. Бунинг учун ўқитувчи тарбияшуносликни, руҳиятини ва ўз фанининг методикасини чуқур эгаллаши, фанининг янги ютуқлари билан изчил қуролланиб бориши зарур.

Тарбия маҳоратининг муҳим бир томони ўқувчини фаоллаштириш билан боғлиқ. Чунки таълим–тарбия жараёни–икки ёқлама жараён. Ўқитувчи таълим беради, ўқувчини уни ўзлаштиради.

Баъзи ўқитувчилар ўқувчилар билан унча фикрлаш ва изланиш талаб қилмайдиган осон масалаларни ҳал этиш билан чекланадилар. Бунинг оқибатида ўқувчининг камолоти ҳаёт тараққиётидан орқада қолади. Бу тарзда дарс берган ўқитувчи болани олдинга томон эмас, орқага тортади. Тарбия моҳорати боланинг миясини далил ва рақамлар билан тўлдиришдан иборат бўлмай, балки болага уларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқара билишни ўргатишдир. Эндиликда бутун ўқитиш фаолиятимизда бола камолатини ривожлантиришни тезлатиш энг муҳим масала бўлиб қолади.

Моҳир ўқитувчи шогирдларини ҳаётдан ранг – баранг ҳодиса ва воқеаларни синчиковлик билан кузатадиган, таҳлил қила оладиган, илмий тадқиқот ишига кузатадиган, қизиқадиган бир умр ўзи ўқитган фанининг

сеҳри билан яшайдиган қилиб тарбиялайди. Ундай моҳир устозларни шогирдлар бир умр эслайдилар.

Тарбия маҳоратининг муҳим бир кўрсаткичи нутқ маданиятидир. Сўзда нуқтадонлик, мантиқ ва мазмундорлик тарбиячи учун энг зарур сифатидир. Бунинг учун ўқитувчи ўз нутқи устида муттасил ишлаши, қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратини эгаллаши лозим. Чинакам маҳоратли ўқитувчининг сеҳрли айтадиган сўз дурдоналарини шогирдлари муштоқлик ва иштиёқ билан тинглайди. Бунақа ўқитувчи бўлиш учун тиним билмай изланиш ва ўз устида ишлаш зарур.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади. Дарс - ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф – дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларида олиб борилади.

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма – хил усулда олиб борилади.

Бир соатга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабаларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулоти тури дарс турлари деб юритилади. Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилаётган материалларни мустақкамлаш дарси.
3. Ўқитувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.

5. Аралаш дарс.

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиш ва хусусиятлари бор нарса ўқитувчининг ўқув материални тўғри ва самарали тушинтиришига, мустаҳкам эса қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришга ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи ҳатто, учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан, мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс тури қуйидагича тузилади, яъни янги билимларни баён қилиш дарси:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- с) янги билимлар устида машқ қилиш;
- д) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари топшириш.

Демак, дарс бошдан - оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш, янги билимлар устида машқ ўтказиш, уйга вазифа каби бошқа элементларнинг ҳам мумкин. Шунга қарамай, дарсдан кўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсундирилади. Шунинг учун бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади. Дарс тузилишининг ўзгариш биланоқ дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради.

Дарс тузилишини бирдан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усулларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади.

Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши

- 1) Уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;
- 2) Янги материални баён қилиш;
- 3) Янги материалларни мустаҳкамлаш;
- 4) Уй вазифалари топширишни ўз ичига олади.

Бунда:

а) уй вазифаларини кўриш суҳбат ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг 1- қисми, дарснинг биринчи босқичи;

б) янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи, тушунтириш, ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усулларда фойдаланиши мумкин. Бу - дарс тузилишининг иккинчи қисми;

в) янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш.

Усулларидан фойдаланиш мумкин.

Бу – дарснинг учинчи босқичи;

г) Уй вазифаларини топшириш жараёнида тушунтириш. Суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу дарснинг тўртинчи босқичидир. Бошланғич ва V-IX синфларда кўпинча аралаш дарс, мустаҳкамлаш ва билими, кўникма, малакаларни текшириш каби дарс турлари қўлланилади. Юқори синфларда эса кўпинча янги билимларни баён қилиш, такрорий – умумлаштирувчи дарс турлари қўлланилади. Такрорий – умумлаштирувчи дарс, одатда, дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтиб бўлингандан сўнг ишлатилади.

2. Турли – туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс куйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим:

2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий – сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарсда хилма – хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланмоқ лозим.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмалари курашлар, техника воситалари ва компьютардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Ҳар бир дарсда мазунинг характеридан келиб чиқиб. Халқимизнинг бой педагогик меросига мурожат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Мактабларимизда дарснинг бошланиши даврини – дарснинг ташкилий дақиқалари деб юритилади. Бунда синфнинг дарсга тайёргарлиги кузатилади. Айти пайтда ўқитувчи олдида икки вазифа туради, яъни бутун синф ўқувчилари диққатини ўзига жалб қилиш ва бутун синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш вазифалари туради.

Ўқитувчи ҳар қандай дарсга тайёргарлик кўра туриб, қўйилган ўқув мақсадига эришмоқ учун дарснинг структураси ҳақида бош қотиради. Ҳар бир босқич учун ўқиш ишининг тегишли мазмун ва методларини танлаб олади. Дарс тузилишининг аниқлиги яхши дарснинг белгиларидан биридир.

Агар дарс яхши тайёрланмаган бўлса, тегишли системада ўтилмайди, натижада ўқув мақсадига эришиб бўлмайди.

Дарснинг сифати педагогнинг бу дарсга қандай тайёргарлик кўрганга боғлиқ бўлади. Фақат ёш ўқитувчилар эмас, балки мазкур фан бўйича бир неча бор дарс берган тажрибали ўқитувчилар ҳам дарсларга тайёргарлик кўришлари лозим. Ҳар бир янги дарс, ҳатто, айнан бир мазмунидан бўлса ҳам, ҳеч қачон олдингисига ўхшамайди. Бу бир қатор сабаблар билан, аввало ўқувчилар гуруҳи, уларнинг тайёргарлик даражаси,

дарсинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги ва ҳаказолар билан изоҳланади.

Дарсларга дастлабки тайёргарлик ўқув йили бошлангунча тугалланади. У шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлинади.

1. Квалификация характеристикасини, фан бўйича программани ва унга оид изоҳномани ўрганиш; ўқувчиларнинг ҳар бир тема бўйича эгаллаб олишлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари ҳажмини аниқлаш.

2. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар материаллини ва фан бўйича ёки ишчилар тайёрланаётган тегишли ишлаб чиқариш тармоқларига оид назарий асарларни ўрганиш.

3. Фан, унинг айрим мавзу ва масалалари юзасидан дарсларни ўтказиш тажрибасини ва методикасига оид назарий масалаларни ёритувчи янги методик материалларни, журнал ва тўпламларидан олинган мақолаларни ўрганиш.

4. Жиҳозларни текшириш ва тартибга келтириш, уларни ремонт қилиш ва ва янгилаш, етишмаётган ва янги асобобларни сотиб олиш. Жиҳозларни сақлаш ва ҳисобга олиш, ишлатиш учун уларни ўқувчиларга бериш тартибини аниқлаш.

5. Кўрсатмали қуроллар ва ўқув хужжатларини кўздан кечириш, уларнинг камчиликларини бартараф этиш, етишмаётган қўлланмаларни сотиб олиш ёки тайёрлаш.

6. Дастур талабларига мавжуд жиҳозларга, у ёки бу буюмларга бўлган талабларга, шунингдек дидактик ва методик талабларга мувофиқ, ўқув ишлаб чиқариш ишлари ва буюмлари рўйхатини ишлаб чиқиш.

Ҳар бир мавзу бўйича дарслар системасини ўйлаб топиш ва тақвим режасини тузиш фан бўйича ўтказиладиган дарсларга дастлабки тайёргарликни яқунловчи босқичдир.

Сўнгра дарс темаси бўйича ўқувчиларга маълум қилиниш керак бўлган материал танлаб олинади, уларга тушунтирилиши лозим бўлган янги атама ва тушунчалар белгилаб қўйилади, уларни қандай янги меҳнат усуллари билан таништириш белгиланади.

Дарснинг тузилишини белгилаш ва айрим босқичларини ўтказиш методикаси ўйлаб қўйиш кейинги босқич бўлиб ҳисобланади. Агар ўқитувчи илгари ўрганилган материал бўйича билимларни текширишга қарор қилган экан, у айнан қайси материални текширишни белгилаб олиши, саволларни тузиб чиқиши ва ёзиб қўйиши, текшириш учун ўқувчилардан қайси бирини чақиришни мўлжаллаб қўйиш зарур. Бундан ташқари у янги материални баён қилиш методини, бу баён қилишнинг изчиллигини аниқлаб олиши, дарснинг мазкур босқичи учун керак бўладиган кўрсатмаларни қўриқларни тайёрлаб қўйиш лозим.

Ўқитувчи бу ишни тамомлаб, дарснинг режасини ёки кўрсаткичларини тузади. Режа бор бўлганда дарс анча аниқ ўтади, ўқитувчи уни анча хотиржам олиб боради. Бундан ташқари, режа, ўқитувчининг ҳақиқатдан дарсга тайёргарлик кўрганининг далили бўлиб хизмат қилади, яъни режа, дарс ишланма ўқитувчининг дарс ўтишда асосий ҳужжатдир. Ҳеч бир ўқитувчи дарс ишланмасиз дарс ўтишга ҳақли эмас. Конспект ёзилганда яхши ўйлаб, мантиқан мазмунли, ҳеч қандай хатоликларсиз бўлиши керак.

Мавзуни ўрганиш режаси мавзунинг хусусиятларини, унинг ўқув предмети мундарижасидаги ўрни ва аҳамиятини, шунингдек, муайян синф ўқувчиларнинг билим ва ривожлани даражасини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Ўқитувчи бутун мавзуни ўрганишдаги умумий йўللари белгилайди. Бу йўللари ҳар бир алоҳида дарсда ўрганилиши керак бўлган масалаларни яхлит бирликка боғлайди, дарснинг тузилишини, улардан ҳар бирининг мавзуни ўрганиш умумий системасидаги ўрнини, ўқув ишлари методларининг тизимини белгилайди. Ўқитувчи мавзуни ўрганиш планини ишлаб чиққан, ҳар бир алоҳида дарснинг ўрни, мақсади ва режасини осонгина белгилаб олади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги ҳар бир аниқ дарс режасини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Режани тузиш мавзуни ўрганишда дарснинг ўрнини белгилашдан бошланади, сўнгра унинг мақсади ва мазмуни аниқланади, ўқитиш методлари ишлаб чиқилади.

Режада дарсинг мавзуси ва мақсади ёзилади, такрорлаш, янги материални баён қилиш қандай ўтказилиш қандай методлардан фойдаланишни кўрсатилади. Ўқитувчи баён этишининг асосий йўналишини кўрсатади, далиллар ва мисолларни ёзиб олади, материални мустақамлаш қандай ўтказишни, кимдан сўраш кераклигини ёзиб қўяди. Режа охирида уйга бериладиган топшириқ ёзилади.

Кам бутланган мактабларда навбатма – навбат иш олиб борганлиги туфайли кўпгина иш вақти бекорга кетади. Кўпчилик вақти кетади ўқитувчилар бунга кўникиб қолганлар. Ўқитувчи бир синфга йўл – йўриқ бераётганида бошқа синф ўқувчилари бекор ўтирадилар.

Ўқув режа тузаётганида вақтини вақтни иш турлари бўйича ҳисоблаб чиқиши муҳимдир. Режада синфлардан бири ўқитувчи билан, бошқаси эса мустақил равишда шуғулланадиган дарс босқичлари белгиланган бўлсагина, вақтни аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин. Шунинг учун дарс режасини тузиш вақтида аввал ҳар бир синф ўқитувчи билан ёки мустақил равишда қачон ва қанча вақт давомида шуғулланишини аниқ белгилаб олиш маъқулроқдир. Мустақил машғулотлар вақтини ҳисобга олган ҳолда топшириқлар танланади, Ўқитувчи ўз раҳбарлиги остида ўтадиган машғулотлар ва болаларнинг мустақил ишига ажратиладиган вақтни аста – секин бараварлаштиришга эришса жуда яхши бўлади.

Ўқитувчи билан ишлаш ва ўқувчиларнинг мустақил машғулотлари учун вақтни тақсимлаш вақтида бир қанча вазиятларни эътиборга олиш лозим. Қуйи синфда, шунингдек, ҳажми ва мураккаблиги жиҳатидан катта материал ўрганиладиган синфда ўқитувчи раҳбарлиги остида ўтказиладиган машғулотлар учун кўпроқ вақт ажратишга тўғри келади. Режалаштириш вақтида ҳар бир синфнинг тайёргарлик даражаси ва материал қай даражада ўзлаштиришганлиги ҳисобга олинади. Ўқитувчиларнинг мустақил машғулотлари ҳам пухта режалаштирилади. Дарсда вақтнинг беҳуда кетишига йўл қўймаслик мақсадида бу топшириқларни олинган тайёрлаб қўйиш тавсия этилади. Топшириқнинг аниқ ва пухта таърифланиши, ўқувчиларни мустақил ишнинг турли усуллари бажаришга ўргатиш, тез

ишлайдиган ўқувчилар учун резерв топшириқлар тайёрлаш катта аҳамиятга эга. пухта ўйлаб берилмаган топшириқлар ўқувчиларда фаолликни келтириб чиқармайди.

Барча мустақил топшириқлар у ёки бу шаклда назорат қилиниши керак. назорат қилиб туриш формалари хилма – хил бўлиш мумкин.

Кўчма доскага ёзилган намуна бўйича ўқувчиларнинг ўз - ўзларини текширишлари, ўқувчилар ёнига бориб дарсда иш қандай бораётганлигини текшириш, дафтарларни пухта текшириб чиқиш шулар жумласидандир.

Бу хил бутланган мактаб шароитида ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлиги остида иши билан уларнинг мустақил ишини яхшироқ бирга кўшиб олиб бориш учун режани ҳар бир синф учун алоҳида эмас, балки комплекс тарзда тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Ҳар бир ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, унга енгил – елпи, юзаки қарамасдан, балки унинг масъулиятини билан ҳолда сидқидилдан ёндашиш керак. бу масъулият, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларидан талаб қилинади. Чунки болаларга илк пойдеворни бошланғич синф ўқитувчилари курадилар. Берилган таълим, қурилган пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, келажакка ишонч шунчалик ортаверади. Зеро, ҳурматли Президентимиз таъкидлаганидек, келажакимиз – ёш авлод қўлида. Ёш авлодни тўғри тарбиялаш, илмли, зукко, маънавиятли қилиб етиштириш эса ўқитувчи ва мураббийлар қўлидадир. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи илм берар экан, аввало болаларни севиб, уларни келажакка ишонч руҳида тарбиялаб, ўз фанини чуқур билган ҳолда сидқидилдан дарс ўтмоғи керак.

Ҳозирги замон ёшларининг меҳнатга муносабатлари хусусида Президентимиз таъкидлаганларидек, “...кишиларимиз фойдали тадбиркорлик соҳасида ташаббус, омилкорлик, маҳорат кўрсатмоқдалар. Тобора кўпроқ ёшларимиз мусобақа ва рақобатга асосланган эркин меҳнатда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган иқтисодий билимларга ва ишлаб чиқариш маҳоратини эгаллашга интиломоқдалар”. Бу сўзлардан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, уларни бўлғуси касбининг моҳир устаси қилиб тайёрлашнинг илмий-назарий дастурига эга бўлган ҳолда, уни амалда

қўллаш-ёшлар сиёсатининг бугунги кундаги муҳим узвий қисми, деб қаралиши зарур ва ундан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлаш жараёнининг мазмуни ва технологиясига тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак.

3.2. Ўқитувчи меҳнат даражасини аниқлаш ва баҳолаш

Тарбия бу шахсда ижобий хислат ва фазилатларни намоён бўлишидир. Тарбия жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир таъриф билан ифодалаб бўлмайди. Унинг сирасига турли хил томонлама йўналтирилган тарбия, яъни эстетик тарбия, жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси, ахлоқий тарбия, сиёсий тарбия ва ақлий тарбиялар киради. Лекин улардан кўзланган мақсад, ҳар томонлама маънавий ривожланган ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шахснинг ақлий, ахлоқий, хис – туйғули ва жисмоний ривожланиши, қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш, имкони борича қулай шароитлар яратишдан иборатдир.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади.

Тарбиявий жараёни мустаҳкамлаш, яхшилаш, уни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун деярли барча қоидаларни, усулларни, ғояларни қайтадан кўриб чиқиш, бола шахсига эътиборни қаратиш, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланиш зарур.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир - бири билан ҳамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ўқитувчи ёшларга таълим - тарбия берувчи инсондир. Ўқитувчида ўқитувчилик касбига хос лаёқат, қобилият бўлмоғи даркор. Аввало у болаларни севиши, ижодкор, ишбилармон бўлиши, маънавий баркамол бўлиши, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган бўлиши лозим. Бундан ташқари, ўқитувчи ҳар бир ўқувчиси улғайиб яхши одам бўлишига чин кўнглидан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишга кўмаклашадиган асосий куч бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи ўқувчиларга таълим - тарбия берар экан, аввало, унинг ўзида

тарбиявий хислатлар таркиб топган бўлиши даркор. Ўқитувчи одобли бўлиши керак. Унинг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Бунинг учун очиққўнгил, қатъий бўлиши, ўзини тута билиши, бардошли бўлиши керак. Болаларга нисбатан талабчан бўлиш билан бирга ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан қарай олиши керак.

Ўқитувчи педагогик этиканинг нормаларини ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаши лозим. Фикрлаш ва ҳис этиш, турмушда синаб кўриш натижасида педагогик этиканинг қоидалари ўқитувчининг ўз эътиқодига, интилишига, ўз ахлоқий сифатига айланади.

Бу ахлоқий эътиқод ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларда, ўқувчилар ва бошқа кишилар билан муносабатларда, муомаласида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишда кўзга ташланади. Муаллим ахлоқининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигида намоён бўлади. Шахс ахлоқининг характерлайдиган белгиларидан бири маъсулиятдир. Ўқитувчининг маъсулияти - маъсулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда муаллимнинг фаолияти ва таълим - тарбия жараёнининг аниқ вазибаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини ҳар тамонлама камол топтириш маъсулияти юкланади.

Педагогик одобга эга бўлган ўқитувчи ўқувчилар орасида обрў қозанади. Ўқитувчи қанчалик кўпроқ обрў қозонса, таълим ва тарбия моҳиятан шунчалик муваффақиятлироқ бўлади.

Ўқитувчининг асосий мақсади ҳамма ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқишига эришишидир. Бунинг учун ўқувчилардан ўз устида ишлаши, ўз - ўзини тарбиялаши талаб этилади.

Ўз - ўзини тарбиялаш ўз фаолиятини таҳлил қилишдан ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўқувчиларда шу хислатга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади.

Ўз - ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини - ўзи идора қилиш органлари фаолиятида қатнашишлари, уларнинг ижтимоий фаоллик мавқини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир.

Ўқувчилар ўқишда, тарбияда, дам олишда у - ўзини тарбиялаш усулларида фойдаланадилар, ўз - ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Ўз - ўзини тарбиялаш сифатлари бола бунга тайёр бўлганда, у ўзини шахс деб англай бошлагач, амалий ишларда мустақиллик кўрсата бошлаган вақтда пайдо бўлади. Ўз - ўзини тарбиялашда маслаҳат ва кўрсатмалар берилиши лозим. Бунда ўқувчиларни ўзларига, хатти - ҳаракатларига танқидий руҳда муносабатда бўлишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Ўз шахсини, фазилатларини таҳлил қилишга, хатти -ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ўргатади. Ўз - ўзини назорат қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш - туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши, ва аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз - ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабаблар бўлишига интилиши лозим.

Ўқувчилар ўз - ўзини тарбиялаш билан бирга ўз устида ишлаб боради. Ўз устида ишлаш асосан ўспиринликдан бошланади. Бунда уларнинг назарий тафаккурини шакллантиришда тўғарак ва факультатив машғулотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ўқувчининг бадий асарларни ўқиши ва тушуниши орқали мустақил фикрлашга, мулоҳаза юритишга ва мунозарага ўрганиб боради. Унда аста - секин табиат ва жамият ҳақида ўзининг нуқтаи назари, эътиқоди, қараши шаклланади. Бу эса унда мустақил ўйлаши, тўғри ҳукм ва хулоса чиқариши, катъий қарор қила олиш фазилатларини ўстиради.

Ўқувчилар ўз устиларида ишлаш жараёнида уларнинг қобилияти, истеъдоди ривожланади. Уларда ўтиладиган дарслар, лаборатория ишлари

ва амалий машғулотлар, реферат, конспект ёзиш каби таълимий фаолият турлари ўзлари ўзлаштириши зарур материалларни мустақил ҳолда тушунишга олиб келади.

Бу эса ўз устида ишлашнинг муҳим омили саналади.

Юқорида келтирган фикрларимизнинг барчаси ўқувчи фаолияти бўйича ёзилган. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўз - ўзини тарбиялаш, ўз устида ишлаш фақатгина ўқувчи фаолиятида эмас, балки бутун бир шахс фаолиятида намоён бўлиши керак. Шахс ўз - ўзини тарбия этмаса, ўз устида ишламаса, у бир жойда қотиб турган тошга ўхшаб қолади.

Агар шахс изланса, ўз қобилиятлари устида ишласа, ўзидаги яхши фазилатларни камол топтирса, унинг обрўси, мавқеи ҳам шу даражада юксалади, доимо эл назарида бўлади. Уни ҳеч ким улоқтириб ё четга чиқариб қўя олмайди.

Мен айнан ўз соҳам мисолида оладиган бўлсам, ҳар бир ўқитувчи доимий равишда ўз - ўзини тарбиялаши, ўз устида ишлаши керак. У "мен аллақачон тарбияланганман, менда ҳамма ахлоқий сифатлар таркиб топган" деб, ёки "мен ўз фанимда ҳамма ютуқларга эришганман, ўз фанимни чуқур биламан" деб бир хилда бир жойда қотиб тура олмайди. У доимо интилишда, изланишда бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда мактабларда дарс бераётган ўқитувчиларни кузатиб, икки хил хулосага келасан. Бирлари жуда фаол, интилувчан, ижодкор ўқитувчилар бўлса, айримлари эса ҳеч бир интилиши йўқ, доимо бир хилда дарс берувчи ўқитувчилардир. Буларни кўриб бир қувонсанг, бир қўл силтагинг келади. Ахир ёш авлодни таълим - тарбияси ўқитувчиларга ишониб топширилади-ку! Нахотки, айрим эртанги кун билан иши йўқ ўқитувчилар бу масъулиятни ҳис этмасалар. Ўқувчиларнинг ўз устиларида ишлашлари учун ҳам ўқитувчи йўлланмаси, кўрсатмаси, топшириқлари муҳим рол ўйнайди.

Шунинг учун ўқитувчи доимо изланишда бўлиши, фанга қандайдир бир янгиликлар олиб киришга интилиши, ўзининг одоби, касбий сифатлари билан бошқаларга ўрнак бўлиши даркор. Ўз устида ишлайдиган

иждокор ўқитувчиларнинг обрў - эътибори, мартабаси улуғ бўлади. Улар доимо эл назарида, ҳурматида бўлади. Халқ ҳурматида, эътиборида бўлишининг ўзи энг катта бахтдир.

ТАЖРИБА ИШЛАРИ

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи ўзини англаб етди. Мамлакатнинг ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотлар ва уларни ўзига ҳос йўлдан оғишмай амалга ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Шу жумладан халқ таълими тизимини умумий ўрта таълим мазмунини янгилаши ҳам давр талабидир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида бундай янгилашни амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда таълимнинг янги шакллари дарс жараёнига олиб кириш муаллимдан ўзига ҳос педагогик маҳорат, изланувчанлик, ижодкорликни талаб қилади.

Ўқитувчи ҳар бир дарсга Ватанга муҳаббат, унинг рамзларига садоқат руҳида тарбиялашга эътибор бериб, ўқувчилар онгига миллий ғоя, мафкура тушунчаларини сингдиришига алоҳида эътибор бериши керак. Ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатувчи муаммоли вазиятлар яратиб муаммоли вазиятларни ечишга ўқувчиларни мустақил, онгли ва эркин фикрлашга ўргатиши керак.

Ўқитувчи дарсни турли халқ эртаклари, халқ дostonлари, мақол, топишмоқ ва халқ айтишувларидан, ҳадислардан фойдаланиб, янги педагогик технология асосида ташкил этиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади..

Тажриба ишлари сифатида 2-синфда ўқиш дарсларидан бир соатлик дарс ишланмаси намунасини келтирамиз. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълимни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Унда: «Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади,» -деб кўрсатилган. Шунингдек дастурда қўйилган мақсадга эришиш йўллари ҳам кўрсатилган. Таълим бериш илғор педагогик технологияларининг замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув тарбия жараёни дидактик жиҳатдан

умумий ўрта таълимнинг асосий шартларидан бири сифатида белгиланган. Ўқиш дасрларини ўргатишдан мақсад оғзаки нутқ юзасидан ўқувчиларда мустаҳкам билим ҳосил қилиш, ишлаб чиқаришнинг, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фаол ижодий фаолият кўрсата оладиган саводли ва маданиятли кишиларни тарбиялаб етиштиришдир.

Мавзу: Машғулотларда ўқувчилар фаоллигини оширишда тренинг ўйинларнинг аҳамияти.

Мақсад:

А) Ўқувчиларни «Доно деҳқонбобо» мавзуси орқали тўғри, равои ўқишга ўргатиш. Матн мазмунига кўра ўқувчиларнинг хусусиятига мос табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳақидаги билимларини ҳосил қилиш.

Б) Ақлий, жисмоний дунё қарашларини, хулқ, одоб, инсоний муносабатларни ва бошқа сифатларини ривожлантириш. **Дарснинг усули:**

Янги педагогик технология асосида тренинг мусобақа, саёҳат.

Дарснинг жиҳози:

Ватанимизни тасвирловчи рангли расмлар, тарқатмалар, тестлар ва эртақ қаҳрамонлари тасвирланган расмлар. **Дарснинг бориши:**

Синф хонасидаги парталарни дарс усулига мослаб уч гуруҳга бўлиб оламан. «Баҳор валси» мусиқа садоси остида ўқувчилар рақсга тушадилар. Даврага Баҳарой кириб келади. Баҳор фасли ҳақида шеър айтади:

Осмон тиниқ кўк шоҳи,

Оқ булут кезар гоҳи.

Гулларга кўмилади,

Қандак ўрикнинг шоҳи.

Боғбон чиқар боғига,

Чўпон кетар тоғига

Боларилар ғувиллаб,

Кўнар гул япроғига.

Кушлар учиб келади,

Шамол ғиз-ғиз елади.

Қуёш гуллар юзини

Шуълаларга беләди.

Сувлар шилдираб оқар,

Қўшиғинг дилга ёқар.

Бизга шодлик келтирдинг,

Салом сенга ,гул баҳор!

(Шеър ўқиладиган пайтда ўқувчилар боғбон, чўпон, болари, қушлар, қуёш ва сув расмлари солинган кўрғазмаларни кўтариб кирадилар.)

Ўқитувчи:

Салом билан бошланар,

Билсанг одоб ва ахлоқ.

Салом билан бегона,

Бўлар тезда дўст иноқ.

Болажонлар омонмисиз? Бугун дарсга тайёرمىсиз.

Ўқувчилар: Бизлар соғ ва омонмиз, Бугун дарсга тайёرمىз.

Ўқитувчи: Болажонлар, ҳозиргина сиз даврамизга ташриф буюрган «Баҳорой» ни кўрдингиз. Улар ўзлари билан бирга жонли табиатни олиб келдилар. Қани айтингчи, болалар! Баҳорда табиатимизда қандай ўзгаришлар бўлади?

Ўқувчилар: Шамол бўлади, ёмғир ёғади, чақмоқ чақиб момақалди роқ бўлади. (Бу пайтда ўқувчилар ҳаракат қиладилар.)

Ўқитувчи: Баракалла болажонлар. Ҳозирги дарсимиз нима?

Ўқувчилар: Устоз, ҳозирги дарсимиз ўқиш.

Ўқитувчи: Болалар дарсни бошлашдан олдин мен сизларга ажойиб бир бошқотирма кўрсатаман.

	В		Т		Н		
Т		Ғ		Л	Г		Н
	Ж		Й		НГ		

1. В а т а н

2. Т у ғ и л г а н

3. Ж о й и н г

Ўқитувчи: Жуда тўғри топдингиз.

Водийларни яёв кезганда,

Бир ажиб ҳис бор эди менда.

Чаппар ўриб гуллаган боғин,

Ўпар эдим Ватан тупроғин. Болалар, Бизнинг Ватанимиз қаер?

Ўқувчилар: Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон.

Ўқитувчи: Ватан деганда нимани тушунасиз?

(Ўқувчилар Ватан ҳақида ва давлат рамзлари ҳақида тушунча берадилар.)

Ўқитувчи: Офарин болалар! Мен ҳам ишонч билан айтаманки, сиз келажақда Ватанингизга содиқ фарзанд бўлиб қоласиз. Ҳозир эса ўз билимингиз, меҳнатингиз ва ҳаракатингиз билан ўз ҳиссангизни қўшасиз деган умиддаман.

Ўқитувчи: Ўқувчилар ўртоғимиз айтгандек дарсимиз ўқиш экан. Қани айтингларчи, ўқиш дарсида ДТС талаблари бўйича нималарни билишимиз керак?

Ўқувчи:

1. Ўқиш дарсларида биз сўзларни яхлит, тўғри, тушуниб ва ифодали ўқишни .

2. 10- 12 та шеърни ёддан айтиб бериш, ўқиш вақтида вергул ва гап охиридаги тиниш белгиларига эътибор беришимиз:

3. Матн мазмунини сўзлаб бериш, саволларга жавоб бериш, ертак, шеър ва ҳикояларни жанр хусусиятларига кўра фарқлай олишни билишимиз керак.

Ўқитувчи: Раҳмат болалар. Бизнинг бугунги дарсимиз ўрмонга саёҳат бўлади. Менинг қўлимда эртақлар юртининг шоҳи Ибн Хаттобдан хат келган. Қани ўқийликчи, хатда нима дейилган экан? Салом билимдон болажонлар, менга сизларнинг ёрдамингиз керак. Ўрмон ҳайвонларининг ҳаёти хавф остида. Ёрдам беринг деб Ибн Хаттоб

Ўқитувчи: Болалар, ўрмон ҳайвонларига ёрдам берамизми?

Ўқувчилар: Ҳа.

Ўқитувчи: Бизнинг бугунги эртақ қаҳрамонларимиз ўрмон ҳайвонлари бўлганлиги учун гуруҳларимизни ўрмон ҳайвонлари билан номладик. Ҳозир улар ўзларини таништирадilar.

1-Гуруҳ-Олмаҳон, 2-Гуруҳ-Қуёнча, 3-Гуруҳ-Айиқжон. (Саёҳат мусобақа тарзда олиб борилади.)

Ўқитувчи: Саёҳатга чиқиш учун тайёرمىсиз?

Ўқувчилар: Устоз доим тайёرمىз, Саёҳатга борамиз.

Ўқитувчи: Болалар йўлда кетаётганимизда нималарга эътибор беришимиз керак?

Ўқувчи: Кенг, катта кўчаларда ўнг томондан юришни унутмаймиз албатта.

Ўқитувчи: Офарин болажонлар! Йўл ҳаракти қоидаларини ҳам жуда яхши билар экансизлар. Болалар диққат қилинг, 1-тўсиққа ҳам дуч келиб қолибмиз.

(Тоғ сурати солинган кўрғазма осиб қўйилади.) Болалар биз нимага дуч келдик?

Ўқувчилар: Тоғларга

Ўқитувчи: Тоғда нималар очилибди?

Ўқувчилар: Лолалар.

Ўқитувчи: Болажонлар мана шу лолалар орқасида саволлар яширинган. Ана шу саволларга жавоб берсак, биз биринчи тўсиқдан ўтамиз.

Саволлар: Олмаҳон гуруҳига.

“Ўжар балиқча” эртагини сўзлаб беринг

Қуёнча гуруҳига .

Балиқ расмини чизиб беринг.

Айиқжон гуруҳига.

Балиқ сўзи иштирокида гап тузиб беринг.

Ўтилган мавзунини савол-жавоб орқали мустаҳкамлаймиз.

«Занжир» ўйинини орқали ўқувчилар ифодали ўқитилади.

Ўқитувчи: Болалар, навбатдаги тўсиққа ҳам дуч келибмиз (Дарё сурати солинган кўрғазмали қурол илиб қўйилади). Болалар, биз нимага дуч келдик.

Ўқувчилар: Дарёга

Ўқитувчи: Ўзбекистонда нечта катта дарёлар бор?

Ўқувчи: Ўзбекистонда 2 та , Амударё ва Сирдарё бор.

Ўқитувчи: Дарёда нималар яшайди?

Ўқувчилар: Балиқлар .

Ўқитувчи: Дарёдаги мана бу балиқларнинг орқасига тест саволлари яширинган. Ана шу саволларга

жавоб берсак, навбатдаги тўсиқни енгиб ўтаемиз.

Саволлар:

Олмахон.

Тўртдир унинг оёғи, Темир тишли туёғи.

Манзилга етиштирар, Тошдан қаттиқ туёғи.

А) кучук В) от Д) шер

Қуёнча:

Қат-қат қатлама, Ақлинг бўлса ташлама.

А) китоб В) карам Д) дафтар.

Айиқжон:

Кундуз куни инда ётар, Тунда эса дала кезар.

А) тулки В) айиқ Д) бўри.

(Ўқувчиларнинг берган жавобларига қараб рейтинг баллари қўйилади).

Муסיқа садоси остида дам олиш дақиқасини ўтказиш мумкин.

Ўқитувчи: Мана, ўқувчилар эндиги шартимиз «Доно деҳқон бобо» эртагини ифодали ўқиб, саҳналаштириб

берсак ,ўрмон ҳайвонларига ёрдам берган бўламиз.

Эртак саҳна кўринишида ўқувчилар томонидан саҳналаштириб берилади ва ифодали ўқилади. (Фаол қатнашган ўқувчилар рақбатлантирилади.Ижодий ишлар ҳам тақдирланади.) Эртак мазмунини тўлдириб сўзлаб берилади.

Ўқувчилар: Эртак сандиқ очилди Ичидан дур сочилди.

Ўқитувчи: Болалар мана шу сандиқ ичида бизга ажойиб бир ребус берилган.



Жавоб: 60тин олма, Олқиш ол.

(Жавоб топган ўқувчилар рағбатлантирилади). Энди саволларга жавоб берамиз.

1 .Деҳқон бобо нима учун озгина ердан кўп ҳосил олар экан?

2.Подшоҳ деҳқондан нимани сўрабди.

Ўқитувчи: Болалар ана энди охириги шартимизни бажара олсак ҳайвонларни хатардан қутқарган бўламиз.

Ҳозир гуруҳ сардорлари ёзув тахтасига ҳайвон номларини:

1 тадан ўқувчи эртак қаҳрамони, Деҳқонбобонинг шаклини:

1 тадан ўқувчи пахта, буғдой ва маккажўхорини апликация қилиб беришлари керак.

Муסיқа садоси остида 1 дақиқа вақт ичида бажарилдилар, бажариб бўлган ўқувчилар рағбатлантирилади. Дарс якунида голиб гуруҳ аниқланиб тож кийдирилади.

Вазифа: эртакни ифодали ўқиш. Меҳнат, дўстлик ҳақида мақоллардан ёд олиш.

Бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллигини фаолиятида ўтказган тажриба-синов ишларимизнинг қуйидаги натижаларида ўз эътирофини топди. буни биз жадвал кўринишида қуйидагича ифодаладик.

Ижтимоий-ижодий фаолликнинг кўрсаткичлари

(жами: 360 нафар, шундан 180 нафари назорат гуруҳи, 180 нафари тажриба-синов гуруҳи).

№	Ижтимоий-ижодий фаоллик кўрсаткичлари	2008-2009 ўқув йили		2009-2010 ўқув йили	
		Назорат гуруҳи	Тажриба-синов гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба-синов гуруҳи
1	Мулоқотга кириша олиш	76	107	93	148
2	Муносабат ўрната олиш	95	130	112	143
3	Ташкилотчилик	104	147	128	146
4	Ижодкорлик	85	108	96	118
5	Сафарбарлик	96	112	114	130
6	Педагогик маҳорат элементлари	61	74	66	87

ДИАГРАММА

Тадқиқот ишларини статистик таҳлил қилиш жараёнида у ёки бу фаразни текшириш учун кузатишлар ёки махсус тажрибалар ўтказиш йўли билан аниқ маълумотлар олинди ва улар ушбу фаразга мувофиқ назарий жиҳатдан кутилаётган маълумотлар билан таққослаб кўрилди. Агар олинган

маълумотлар назарий жиҳатдан кутилаётган маълумотлар билан ҳақиқатдан мос келса, у вақтда бу факт ўша фаразни қабул қилиш, яъни унинг тўлалигини тан олиш учун етарли асос бўлиши мумкин

ХУЛОСА

1. Ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсини давр шакллантиради ва айти пайтда давр ўз таклиф ҳамда талабларини қўяди. Бугунги тезкор, айти пайтда глобаллашув даврида ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаол, ижодкор бўлиши ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Шунга қўра, ўқитувчи шахс сифатида педагогик фаолиятнинг субъекти, объекти, ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси кўринишида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланиш ва педагогик-психологик ҳамда мутахассислик йўналиши тайёргарлиги жараёнида шаклланади. Ўзининг мустақил ҳаёти ва касбий сифатлар уйғунлиги қарор топади. Ижтимоий фаоллик шахсий ва касбий хусусият кўринишида ўқитувчининг дунёқараши ҳамда педагогик маҳоратида ўз эътирофини топади.

2. Ижтимоий фаоллик, ижодкорлик мураккаб жараён бўлиб, ўз-ўзидан вужудга келмайди, у наслий характерга ҳам эга эмас. Тадқиқий изланишларимиз шу нарсани кўрсатдики, узлуксиз таълим тизимида, айтиқса, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлиги бугунги тезкор даврда алоҳида педагогик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунга мувофиқ, олий таълимда талабанинг ижтимоий фаоллигини, ижодкорлигини ўрганиш қийин кечиб, кўплаб муаммоларнинг келиб чиқиши табиийдир. Айтиқса, ижтимоий фаолликнинг характери ҳамда уни аниқлаш муаммолари мураккаб бўлиб, талабаларда ёш, жинс ва ижтимоий адаптация жараёни ҳамда бугунги тезкор давр хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатди.

3. Тадқиқий кузатувларимиздан маълум бўлдики, мактабгача тарбия ёшидаги боланинг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлиги унинг мактаб ўқувчиси бўлишга, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчисининг ижтимоий фаоллиги муайян ксбни онгли ва асосли равишда танлашга бўлган интилиши ҳамда келажак орзусига эришиш йўлида академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқишга тайёргарлик кўришида, олий ўқув юртига кириб ўқишга бўлган

харакатида ўз эътирофини топмоғи лозим. Бундай ёндашув болани мактаб ҳаётини севишга, ўқитувчини ҳурмат қилишга, тенгқурлари даврасида ўз ўрнини топишга ва ижтимоий талабларга жавоб беришга тайёрлайди.

4. Ўқувчининг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлиги унинг таълим-тарбия жараёни ва ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этишида кўринади. Шахслараро муносабатларга киришиш, жамоа билан бирга яшаш, бирга ишлаш, ўз-ўзини бошқариш ҳамда ўзининг “Мени”ни англаб бориши ижтимоий фаоллик, ижодкорликнинг асосий йўналишини белгиловчи мезон ҳисобланади.

5. “Ўқитувчи-ўқувчи” муносабати ижтимоий, психологик, педагогик ва методик характерда бўлиб, узлуксиз таълимнинг моҳиятига мувофиқ равишда амалга оширилади.

6. Таълим-тарбия жараёнида шахсни мустақил ҳаётга, оила қуриш ва оилавий муносабатларга тайёрлаш ҳамиша долзарб ижтимоий муаммо бўлиб келган. Бу жараёнда жинсий тарбия масъулияти масаласи, ёшларни оилавий ҳаётга ёш, касб ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тайёрлаш бугунги тезкор даврнинг глобал муаммосига айланиб бормоқда. Бу борада миллий тарбиямизнинг бой қадриятлари ҳамда анъаналарига таяниш, халқ педагогикасининг илғор тажрибаларини оммалаштириш ижтимоий фаоллик, ижодкорликнинг таркибий қисмига киради.

7. Бугунги даврнинг тезкорлиги айнан ижтимоий фаоллик ва ижодкорликни талаб этади. Бўлажак ўқитувчининг ижтимоий фаоллиги, ижодкорлиги келгусида ўқувчиларни бефарқлик, беғамлик, иш ёқмаслик каби иллатлардан ҳолис бўлишга олиб келади. Ҳаётни севиш унга бефарқ қарамаслик ҳис-туйғуларини шакллантиради. Инсонийлик кадр-қимматини оширади. Ана шундай ўқитувчи кадрларни тайёрлаш олий педагогик таълимни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишидир.

8. “Ўқитувчи-ўқувчи” мулоқотининг “субъект-субъект” фаол муносабатлар даражасида бўлиши диалогик ва полиологик шаклларда амалга оширилади. Аммо мулоқот (газета, журнал, китоб, компьютер) қандай

шаклда бўлишидан қатъи назар муайян мақсаднинг ечимига қаратилади. Ижтимоий фаолликка, ижодкорликка қаратилган нутқий сифатни биз тадқиқот жараёнида шартли равишда уч турга ажратиб ўргандик: биринчиси-мақсадга қаратилганлиги; иккинчиси-муҳимлиги ва долзарблиги; учинчиси-хозиржавоблиги (сўзларнинг тўғри танланганлиги). Нутқнинг ҳар уччала сифати айни пайтда ўқитувчининг нутқ маданиятини ҳам белгилайди. Ўз навбатида ўқитувчининг нутқ маданияти ижтимоий фаоллик, ижодкорлик омили вазифасини ҳам ўтайди. Нутқ маданияти, сўзларни тўғри танлаш (оғзаки ва ёзма нутқда) унинг мантиқийлиги, ижтимоий фаол, ижодкор мутахассисларни тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, шарқона маданият асосида ётган нозик ва қудратли сўз ўзаро ҳурмат, эътибор ҳамда самимийликка асосланади.

9. Инсон фақат инсонлар даврасидагина ижтимоийлашади: инсоний, маънавий-ахлоқий ва касбий сифатлари шаклланади. Бўлажак ўқитувчи учун талабалик йиллари алоҳида давр ҳисобланиб, бу даврда талаба шахс ва бўлажак мутахассис сифатида ижтимоий ҳаётга ўзини тайёрлайди. Муомала, мулоқот ва муносабатга киришиш техникаси ҳамда технологиясини ўзлаштиради. Унда педагогик ижодкорлик шаклланади. Ўқувчи ва ўқитувчилар жамоасидан ташқари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан мулоқотга кириша олиш масаласи шаклланади. Бўлажак ўқитувчида янги фикр ва янги ғоялар асосида одамларга таъсир кўрсатиш, уларни ҳаракатга чорлаш, фикрларини ўзгартириш имкониятлари пайдо бўлади. Бу айнан ижтимоий фаолликнинг олий намунасидир.

10. “Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатида ўқувчини тинглаш, уни тўғри мулоқотга чорлаш ўқитувчининг касб одобини белгилайди. Чунки шу жараёнда ўқувчи ўзининг ўй-фикрини тўлиқ юзага чиқара олиш имконига эга бўлади. Бу эса суҳбатдош ҳақида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикрларнинг шаклланишига олиб келади. Бир-бирини тинглаш одоби нутқ эгасини ҳам ва ўз навбатида, тингловчини ҳам руҳлантиради, илҳом бағишлайди, янги фикр ва ғояларнинг туғилишига шароит яратади.

11. Тажриба-синов ишлари диссертация фаразининг тўғрилигини исботлади. Айниқса, бўлажак ўқитувчи шахсининг ижтмий фаоллиги, ижодкорлиги муайян иқтисодий, ижтмий ва педагогик шарт-шароитда шаклланиб, “ўқитувчи-талаба” муносабатида ўқитувчи-устозларнинг ибрат намунаси, ўз-ўзини бошқариш асосида ўзаро мулоқот ва муносабатга киришиш, касбий ўз-ўзини тарбиялаш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ижодкорликни тарбиялаш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ижодкорликни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатди.

12. Ижтмий фаолликка, ижодкорликка интилиб яшашнинг ўзи ғоя ҳисобланади. Шахсининг ижтмий фаоллиги фуқаролик, ҳуқуқий-демократик жамият қураётган мамлакатимизнинг ижтмий ҳаётида акс этмоғи, бутун бир миллатнинг, давлатнинг ғоявий-мафкуравий онги, савияси, маънавияти ва маданиятида намоён бўлмоғи лозим.

ТАВСИЯЛАР

1. Бугунги тезкор ва глобаллашув даврининг талабларидан келиб чикиб, узлуксиз педагогик таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири ижтимоий фаоллик, ижодкорлик тизимини инсонпарварлик, меҳр-мурувват ва дўстона муносабатлар асосида қарор топтиришга қаратилмоғи ўринлидир. Соғлом маънавий-ахлоқий ва касбий муҳитнинг яратилиш ҳамда ижтимоий фаолликнинг, ижодкорликнинг психологик механизмлари барқарор ишлаши бўлажак ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили бўлмоғи лозим.

2. Бўлажак ижодкор ўқитувчи шахси ижтимоий фаоллигини таъмин этишнинг асосий омили Камолот Ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ўз-ўзини бошқариш ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

3. Олий таълим тизимида ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчи шахсини тарбиялаш, педагогика фанлари мазмунини қайта кўриб чиқиш ва уни бугунги талаблар даражасида мувофиқлаштиришни тоқозо этади. Педагогик туркум фанлар мазмуни эса бўлажак ижодкор ўқитувчи шахсининг ижтимоий фаоллигини таъмин этишга қаратилмоғи ва бу жараёнда “Ўқитувчи-ўқувчи” мулоқоти “субъект-субъект” муносабатлари доирасида амалга оширилмоғи талаб этилади.

4. Бўлажак ижодкор ўқитувчида педагогик тафаккур ва касб маҳоратининг шаклланиши мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўллари оча олиш қобилиятини шакллантиради. Бу жараён, ўз навбатида, ижтимоий фаол, ижодкор ўқитувчининг касбий фаолиятида интилувчан позицияда тура олиш шарт-шароитларини яратиш тоқозо этади.

5. Ҳар доим ўқувчи ва талаба ўз жамоасида ёки ўзи мансуб бўлган гуруҳда ўз ўрнини топишга интилади. Шунга кўра ўзининг қобилияти, билими, обрў-эътиборига қараб муносабатга киришишни истайди. Ана шундай муносабатларнинг бузулиши ёки бўлмаслиги шахсининг ижтимоий фаоллигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бўлажак ижодкор

ўқитувчи шахсида ижтимоий масъуллик туйғусини шакллантирувчи педагогик ва психологик омиллар ривожига алоҳида эътибор бериш зарур.

б. Ижтимоий фаол, ижодкор педагоглар тайёрлаш тизимини назарий-методик жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида олий ўқув юртлирининг жойларда вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлигини илмий асосда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятнинг янги ижтимоий кучларини етиштиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Жамият ўқитувчининг қўлига ёш авлодни, яъни ўз келажагини ишониб топширади. Унинг камол топишида ўқитувчининг дунёқараши, онги маданияти ҳамда нутқи белгиловчи восита саналади.

Хулоса қилиб, айтганда мустақил Ўзбекистонимизда ўзининг педагогик фаолиятини олиб бораётган ҳар бир ўқитувчи ўз устида тинмай ишлаши, доимий изланишда бўлиши, ўзидан олдинги педагогларнинг илғор тажрибалари билан доимий танишиб бориши ва шу йўллар билан ўз маҳоратининг тизимларини кенгайтириши лозимдир.

Хуллас, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар ўзаро муомалада педагогик одобнинг қонуниятлари, тамойиллари, меъёрлари ва талабларига амал қилишлари педагогик жараёнининг файзли, самарали бўлишини таъминлайди.

Ҳар бир ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, унга енгил – елпи, юзаки қарамасдан, балки унинг масъулиятини билган ҳолда сидқидилдан ёндашиш керак. бу масъулият, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларидан талаб қилинади. Чунки болаларга илк пойдеворни бошланғич синф ўқитувчилари қурадилар. Берилган таълим, қурилган пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, келажакка ишонч шунчалик ортаверади. Зеро, ҳурматли Президентимиз таъкидлаганидек, келажакимиз – ёш авлод қўлида. Ёш авлодни тўғри тарбиялаш, илмли, зукко, маънавиятли қилиб етиштириш эса ўқитувчи ва мураббийлар қўлидадир. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи илм

берар экан, аввало болаларни севиб, уларни келажакка ишонч руҳида тарбиялаб, ўз фанини чуқур билган ҳолда сидқидилдан дарс ўтмоғи керак.

Ўқувчилар ўз устиларида ишлаш жараёнида уларнинг қобилияти, истеъдоди ривожланади. Уларда ўтиладиган дарслар, лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар, реферат, конспект ёзиш каби таълимий фаолият турлари ўзлари ўзлаштириши зарур материалларни мустақил ҳолда тушунишга олиб келади.

Бу эса ўз устида ишлашнинг муҳим омили саналади.

Юқорида келтирган фикрларимизнинг барчаси ўқитувчи фаолияти бўйича ёзилган. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўз - ўзини тарбиялаш, ўз устида ишлаш фақатгина ўқитувчи фаолиятида эмас, балки бутун бир шахс фаолиятида намоён бўлиши керак. Шахс ўз - ўзини тарбия этмаса, ўз устида ишламаса, у бир жойда қотиб турган тошга ўхшаб қолади. Тошни эса кимдир вақти келиб, ё тепиб, ё улоқтириб ташлайди.

Агар шахс изланса, ўз қобилиятлари устида ишласа, ўзидаги яхши фазилатларни камол топтирса, унинг обрўси, мавқеи ҳам шу даражада юксалади, доимо эл назарида бўлади. Уни ҳеч ким улоқтириб ё четга чиқариб қўя олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устивор мақсадимиз. “Халқ сўзи”. №4. 28 январь. 2010 йил.
2. Баркамол авлод йили давлат-дастури. “Халқ сўзи”. №4. Тошкент. 2010 йил.
3. Ш. Абдуллаева, Н. Ҳамидов, А. Жумаев, Б. Унгаров. Умумий ўрта таълим мактабларида педагогик амалиётни ташкил қилишга оид услубий кўрсатмалар. Услубий кўрсатма. Навоий. 2003 й.
4. Ш. Абдуллаева, А. Жумаев. Ўқитиш жараёнида компьютерли “ишбилармонлик” ўйинларидан фойдаланиш. //Высокие технологии и развитие высшего технического образования в XXI веке: Труды второй межд.научно-технической конференции. Тошкент. 2004 г.
5. А. Жумаев. Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида ижтимоий фаол шахсни шакллантириш. Узлуксиз таълим. Тошкент. 2006 й.
6. Ҳ. Абдукаримов, А. Жумаев. Ижтимоий фаол ва малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг амалий асослари. //Олий таълимда замонавий ўқув, илмий ва тарбиявий фаолиятни такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Гулистон. 2006 й.
7. А. Жумаев. Ўқитувчи шахси шаклланишининг айрим масалалари. //Педагогик таълим. Тошкент. 2007 й.
8. А. Жумаев. Ижтимоий фаол ўқитувчи шахси шаклланишининг педагогик омиллари. Фаол ёшлар-миллат фахри. Республика илмий-назарий анжумани материаллар тўплами. Гулистон. 2008 й.

9. А. Жумаев. Ижтимоий фаол ўқитувчи шахси шаклланишининг педагогик-психологик омиллари. Услубий қўлланма. Тошкент. 2008 й.
10. А. Жумаев. Ўқувчиларнинг касб танлаш мотивлари. Ўқувчиларни узлуксиз касб-хунарга йўналтиришнинг истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент. Халқ таълими вазирлиги. 2008 й.